ЭКЗЕМПЛЯР Ф.Б. ТашГУ читального зала

ТЕЗУ ТОЗА ТЕР!

Советларнинг муҳим вазифаси

Азамат пахтакорларимизнинг фидокорона меҳнатлари туфайли мўл ҳосил конига айланган пахтазорларимизда долзарб кучлар бошланиб кетди. Пахтакорлар, механизаторлар она-Ватанга кўплаб пахта ҳосили етказиб бериш юзасидан олган социалистик мажбуриятларини шараф билан бажариш учун белни маҳкам боғлаб, зўр ғайрат билан меҳнат қилмоқдалар, хирмон ортидан хирмон кўтармоқдалар. Янги ҳосилнинг биринчи карвонларини пунктларга пешма-деш жўнатмоқдалар.

Мўл ҳосилни ўз вақтида йиғиб-териб олиш учун бошлачган умумхалқ кураши авж олдирилган шу кунларда партия, комсомол органлари каби совет ташкилотларининг зиммаларига ҳам улкан вазифалар юкланган. Пахта ҳосилининг тақдири ҳал қилинаётган бу масъулиятли даврда маҳаллий Советлар омма орасида маданий-маиший ишларни ҳар қачонгидан ҳам кучайтириб юборишлари талаб этилади.

Қишлоқ меҳнаткашларининг давлатга пахта тайёрлашда қўлга киритаётган муваффақиятлари кўп жиҳатдан уларга маданий-маиший хизмат кўрсатишга боғлиқ эканлигини ҳаётнинг ўзи кўрсатиб турибди. Ўрта Чирчиқ, Бўка ва Янгийўл ишлаб чиқариш бошқармаларига қарашли колхозлар ва совхозларда район ва қишлоқ Советлари, уларнинг ижроия комитетлари ва қишлоқ хўжалик ишлари бўйича доимий комиссиялари ташаббус кўрсатиб ишламоқдалар. Улар савдо ва умумий овқатланиш, аҳолига медицина ёрдами ва маданий-маиший хизмат кўрсатиш ишларини яхшилашга катта эътибор бериб келмоқдалар. Доимий комиссиялар ва депутатларнинг актив ёрдамлари туфайли колхозчилар ва совхоз ишчиларининг кундалик иш шароитлари ва дам олишлари тобора яхшиланмоқда.

Лекин айрим районларда маҳаллий Советлар пахта йиғим-терими кампаниясини уюшқоқлик билан ўтказишга актив киришмаётир. Оққўрғон, Бекобод, Калинин ва Юқори Чирчиқ районлари ижроия комитетлари ва уларнинг доимий комиссиялари ўз зиммаларига юкланган вазифаларни яхши бажараётганлари йўқ. Бу район Советларининг сессиялари ва ижроия комитетлари ҳамда доимий комиссияларининг йиғилишларида ғўза парваришi ва пахта йиғим-теримига оид масалалар бир неча бор кўрилиб, кўп қарорлар қабул қилинди. Лекин бу қарорларнинг ижроси учун жиддий ҳаракат қилинмаётир. Бунинг натижасида кўп муҳим тадбирлар қоғозда қолиб кетаяпти. Бу районларда пахта йиғим-терининг сust бораётганлиги ҳам ана шулар натижасида содир бўлмоқда.

Пахта йиғим-терининг тақдирини одамлар ҳал қилади. Одамлар ҳақида ғамхўрлик қилиш — ғалабанинг гаровидир. Бу ғалаба эса маҳаллий Советларнинг оператив иши ва пахта ташкилотчилиги билан қўлга киритилади.

Теримчиларга маданий-маиший хизматни яхшилаш учун колхоз ва совхозларда сотувчисиз ва кўчма дўконлар ташкил этиш, бу дўконларнинг маршрут графиклари тузилиб, уларни керакли саноат ва озиқ-овқат моллари билан таъминлаб туриш зарур. Савдо ташкилотларининг ходимлари дала шийпонларига иссиқ овқатлар учун зарур бўлган масалаларни етказиб беришда, пахта заводлари ва тайёрлов пунктларидаги ошхона ва чойхоналарнинг мунтазам ишлаб туришларини таъминлашда жавобгардирлар.

Район ва қишлоқ Советлари, депутатлар аҳолига медицина хизматини яхшилаш вазифасига алоҳида эътибор беришлари керак. Пахтакор районларда участка касалхоналарини тажрибали кадрлар билан таъминлаш, медицина ходимларичи кундуз кунлари дала шийпонлари ва бригадаларга бориб туришларини йўлга қўйиш лозим. Шунингдек, дори-дармонларни ва аптечкаларни етарли миқдорда теримчилар ишлаётган жойларга келтириб қўйишни таъминлаш ва аҳоли ўртасида санитария-оқартув ишларини жонлантириб юборишни ҳам унутмаслик керак.

Болалик оналар ҳақида ғамхўрлик қилиш, боғча ва яслилар ишини йўлга қўйиш, дала шийпонларида кўчма кутубхоналар ташкил этиш, шунингдек кўчма кино ва концерт ҳамда театр томошаларини уюштиришда совет ташкилотларининг ва депутатларининг жавобгарлиги ва ташаббускорлигини ошириш зарур.

Район ва қишлоқ Советлари, депутатлар аҳолига медицина бошқа бўлимлари, матлубот союзлари ва район ҳамда қишлоқ Советларининг доимий комиссиялари далада ишлаётганлар орасида маданий-маиший хизмат кўрсатишда мавсумга мўлжалланган аниқ план тузиб, бу планларнинг ўз вақтида бажарилиши учун жиддий ҳаракат қилишлари лозим.

Район ва қишлоқ Советлари ўз ишларида содир бўлаётган нуқсонларни бартараф қилиб, пахта йиғим-теримида актив интизомни мустаҳкамлаш учун кенг жамоатчилик ишига, халқ сайлаб қўйган депутатлар ёрдамига таянчиб, иш олиб боришлари керак. Аҳолининг талаб ва эҳтиёжларини қондириш ва пахта фронтида янги муваффақиятларни қўлга киритишда омма билан алоқани мустаҳкамлаш, меҳнаткашлар депутатларининг жамоат ишларидаги активлигини ошириш — биринчи даражали вазифадир.

Пахта йиғим-теримини тобора кучайтириб, она-Ватанимизга ваъда этилган 321 минг тонна «оқ олтин»ни областимиз пахтазорларидан ўз вақтида йиғиб-териб давлат тайёрлов пунктларига топширайлик. Бунинг учун аҳоли ўртасида оммавий-сиёсий ва маданий-маиший ишларни тобора қизитиб юборайлик. Пахта йиғим-теримига бутун кучимиз сафарбар этилсин. Она-Ватанга мўл-кўл «оқ олтин» етказиб бершда маҳаллий Советлар фаолиятини янада жонлантириб юборайлик. Узаро Социалистик мусобақа байроғини янада баланд кўтарайлик!

Далаларимизда пахта йиғим-терим кампанияси тобора кенг авж олиб бораяпти. Тайёрлов пунктларига кўплаб «оқ олтин» дурдоналари етказиб берилаяпти. Сиз юқоридаги суратларда терим мавсуми муносабати билан қизғин тус олиб кетган далаларимиздаги юксак меҳнат суруриии кўриб турибсиз. Суратларда: (чапда) Ўрта Чирчиқ ишлаб чиқариш бошқармасидаги Охунбобоев номли колхознинг 5- бригадасида пахтадан катта хирмон кўтарилаяпти. Хирмончилардан Турсунмурод Сандалиев (чапда) ва Эшбой Қурунбоев ўртоқлар хирмонда пахта қуритишаяпти. (Ўнгда) Қумовул пунктида янги «оқ олтин» ҳосилдан улкан хирмон тикланаётир.

А. Абалян фотолари.

БУТУН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ САНОАТ ВА ҚИШЛОҚ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТЛАРИ, ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ САНОАТ ВА ҚИШЛОҚ ОБЛАСТЬ ҲАМДА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

№ 176 (2467). | 8 сентябрь, якшанба, 1963 йил. | Баҳоси 2 тийин.

ҲОСИЛДОРЛИК ОРТАДИ

Ўрта Чирчиқ бошқармасидаги «Полярная звезда» колхозининг ўртоқ Х. Бойжигитов бошлиқ бригада пахтакорлари ғўза парваришини намунали олиб бордилар. Улар бу йил 105 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан пландаги 28 ўрнига 32 центердан хирмон кўтаришлари керак. Далаларда баракали ҳосилнинг чўғи кўзга ташланиб турибди. Гектарлардаги бўлиқ ғўзаларда 11—12 тадан тўқ ва етилган кўсак мавжуд. Бригада пахтаси ялпи очилабошлади. Теримга ҳам қизғин киришиб кетилди. Машина теримига ажратилган 80 гектар пахта майдони ўз «баҳодир»лари — «зангори кемаларни кутяпти.

Б. СОДИҚОВ.

Муносиб мукофот

Калинин ишлаб чиқариш бошқармасидаги «Октябрь» колхозининг коммунист Жўра Усмонов бошлиқ бригадаси сабзавоткорлари бу йил мўл ҳосил етиштириш йўлида астойдил меҳнат қилаяптилар. Натижа ёмон бўлмаяпти. Картошканинг ҳар гектаридан 19, помидорнинг ҳар гектаридан 18, карамнинг ҳар гектаридан 32 тоннадан хирмон кўтариб, планларини ошириб бажаришди. Бригадада бошқа экинлар бўйича ҳам план бажарилай деб қолди.

Меҳнатда қўлга киритган ажойиб муваффақиятларини ҳисобга олиб колхоз правленияси бу бригадани яқинда пул ва пул билан мукофотлади.

Ҳалол меҳнатлари эвазига берилган мукофотдан руҳланган сабзавоткорлар шу кунларда яна ҳам ғайрат кўрсатиб ишлашяпти.

А. ҲАТАМОВ.

Илғор сабзавоткорларга Қизил байроқ

Ўзбекистон КП Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Совети августнинг учинчи ўн кунлигида давлатга сабзавот ва полиз экинлари маҳсулоти, картошка, мева ҳамда узум сотиш ва топширишнинг боришини қараб чиқиб, Ўзбекистон КП Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Советининг кўчма Қизил байроғини **Тошкент областига** беришга қарор қилдилар (қишлоқ область партия комитетининг секретари ўртоқ **Абдураззоқов**, қишлоқ область ижроия комитетининг раиси ўртоқ **Шайхов**, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш ва тайёрлаш область бошқармасининг бошлиғи ўртоқ **Молчанов**), бу область 20 августдан 30 августгача 5,9 процент миқдорида сабзавот топшириб, мажбуриятни 54,3 процент, 25,5 процент миқдорида полиз экинлари маҳсулоти тайёрлаб, мажбуриятни 34,7 процент, 3,6 процент миқдорида картошка топшириб, мажбуриятни 46,1 процент, 7,7 процент мева тайёрлаб, мажбуриятни 77,1 процент, 9,7 процент узум тайёрлаб, мажбуриятни 11,8 процент бажарган.

Ўзбекистон КП Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Советининг кўчма Қизил байроғи Самарқанд областининг **Самарқанд ишлаб чиқариш бошқармасига** топширилди (бошқарма бошлиғи ўртоқ **Албеков**, партия комитетининг секретари ўртоқ **Раҳматуллаев**), бу бошқарма 20 августдан 30 августгача давлатга 13,4 процент миқдорда сабзавот сотиш ва топширишга эришди ҳамда сабзавот ҳарид қилиш мажбуриятини 56,8 процент бажарди.

Сирдарё, Бухоро областлари, Пахтаорол, Андижон ишлаб чиқариш бошқармаларининг сабзавот, картошка, қовун-тарвуз, мева тайёрлаш ва сотишда яхши ишлаганликлари қайд қилинди.

Давлатга сабзавот, картошка, мева, узум сотиш ва топширишда август ойининг учинчи ўн кунлигида яхши кўрсаткичларга эришган колхоз ва совхозларга сотиш учун Тошкент областига бешта, Самарқанд ишлаб чиқариш бошқармасига иккита юк автомашинаси ажратилди.

АЛМАШИНАДИГАН САҲИФАЛАР

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» газетаси алмашиниб турадиган махсус саҳифаларининг навбатдаги сони чиқди. Газетанинг бугунги якшанба сони икки хил нусхада босилди.

САНОАТ ХОДИМЛАРИ УЧУН МЎЛЖАЛЛАНГАН САҲИФАДА:

«Инженерлик соати» издошлари» умумий сарлавҳаси остида «Таштекстильмаш» заводи партия комитетининг секретари Н. Рибченконинг **«Ташаббус самаралари»**, «Ташавтомаш» заводи меҳнат ва иш ҳақи бўлими бошлиғи В. Шабертцинг **«Изланганга толе ёр»**, Н. Мўминов ва Т. Мирҳодиевларнинг **«Чашма»** сарлавҳали мақолаларини ва «Сўнгги ахборот» рубрикаси остида турли хил қувончли хабарларни ўқийсиз.

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ХОДИМЛАРИ УЧУН МЎЛЖАЛЛАНГАН САҲИФАДА: **«Ташаббускор киши — эътиборли киши»** умумий сарлавҳаси остида Ўрта Чирчиқ ишлаб чиқариш бошқармасига қарашли Охунбобоев номли колхоз партия комитетининг секретари Ў. Гулматовнинг **«Ҳаётга яқин бўлайлик»**, область партия комитети сиёсий-маориф уйи мудирининг ўринбосари И. Бобохоновнинг **«Тарбия ўчоғи»**, Юқори Чирчиқ ишлаб чиқариш бошқармасидаги «Суръат» газетасининг редактори А. Раҳимбердиевнинг **«Асосий вазифа»**, мухбиримиз М. Ғозиевнинг **«Юракка яқин»** сарлавҳали мақолалари билан танишасиз.

СССР МУДОФАА МИНИСТРИНИНГ БУЙРУҒИ

1963 йил 8 сентябрь. № 206 Москва шаҳри

Солдат ва матрос, сержант ва старшина ўртоқлар!
Офицер, генерал ва адмирал ўртоқлар!

Танк саноатида ишловчи ишчи, инженер ва техник ўртоқлар!

Бугун совет халқи ва унинг шавкатли Қуролли Кучлари Танкчилар кунини байрам қилмоқдалар.

Совет Иттифоқи халқлари бу йил ана шу байрамни КПСС Марказий Комитети июнь Пленуми қарорлари сиёсий активликни ва меҳнатдаги ғайратни ғоят юксалтириб ишлар ва вазиятда ишонламоқдалар. Ўз жонажон Коммунистик партияси теварагига маҳкам жипслашган совет кишилари КПСС XXII съезднинг тарихий қарорларини амалга ошириш соҳасида қаҳрамонона меҳнат қилмоқдалар, етти йилликнинг бешинчи йили планини муваффақият билан бажармоқдалар, улуғ Ватанимизнинг шон-шавкати ва куч-қудратини оширмоқдалар, коммунизм тантанасини яқинлаштирмоқдалар.

Совет давлати тинчликни сақлаб қолиш ва мустаҳкамлаш учун, урушнинг олдини олиш учун, ёппасига ва батамом қуролсизланиш учун сабот-матонат билан курашмоқда. Атмосферада, космосда ва сув остида ядро синовларини тақиқлаш тўғрисида Москвада имзоланган Шартнома — Совет ҳукумати изчиллик билан ўтказиб келаётган тинчликсевар сиёсатнинг янги ғалабаси, тинчлик учун курашаётган барча кучларнинг ғоят катта ютуғидир.

Шавкатли Қуролли Кучларимиз совет кишиларининг тинч яратувчилик меҳнатини мустаҳкам қўриқлаб турибдилар.

Совет жангчиларининг муқаддас бурчи — жанговар маҳоратни, сиёсий билимларни такомиллаштириш соҳасида ҳормайтолмай меҳнат қилиш, янги техникани ва замонавий жанг қилиш санъатини сабот-матонат билан эгаллаш, юксак даражада ҳушёрлик кўрсатиш, ҳар қандай агрессорни қон қақшатишга ҳамиша шай бўлиб туришдан иборат.

Сизларни умумхалқ байрами — Танкчилар куни билан табриклайман ва қутлайман. Танк қўшинлари шахсий составининг жанговар ва сиёсий тайёргарликда ҳарбий интизомни мустаҳкамлаш ҳамда қисмлар ва қўшилмаларнинг жанговар тайёрлигини оширишда бундан буён ҳам муваффақиятларга эришувини тилайман.

Танк саноатининг ҳамма ходимларига биринчи даражали бронетанк техникасини яратишда янги зафарларга эришувини тилайман.

Танкчилар куни байрамини нишонлаш юзасидан **буюраман:**

Бугун, 1963 йил 8 сентябрда Ватанимиз пойтахти Москвада, иттифоқчи республикаларнинг пойтахтларида ва қаҳрамон шаҳарларда тўплардан бир йўла йигирма марта ўқ узиб, салют берилсин.

Яшасин коммунизм қураётган улуғ совет халқи!

Яшасин совет Қуролли Кучлари ва уларнинг шавкатли танк қўшинлари!

Ҳамма ғалабаларимизнинг илҳомчиси ва ташкилотчиси — Совет Иттифоқи Коммунистик партиясига шон-шарафлар!

СССР Мудофаа министри
Совет Иттифоқи Маршали Р. МАЛИНОВСКИЙ.

„Яшил олтин"нинг учдан бир қисми йиғиб олинди

Тошкент областининг лубкорлик хўжаликларида ўрим-йиғим суръатлари тобора тезлашмоқда. Ҳозиргача саксон минг тонна «яшил олтин» йиғиб олинди, бу эса етти йилликнинг бешинчи йилида беришга ваъда қилинган ҳосилнинг учдан бир қисмини ташкил этади.

Қимматли хом ашёнинг асосий қисмини етиштираётган Оққўрғон ишлаб чиқариш бошқармасидаги колхозлар луб экинлари поясини бошқаларга қараганда тезроқ йиғиб олмоқдалар. Юқори Чирчиқ ишлаб чиқариш бошқармасининг хўжаликлари иккинчи ўринда бормоқда.

Хирмонга барака

ОБЛАСТИМИЗДА ПАХТА ТАЙЁРЛАШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА 7 СЕНТЯБРГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ

(Планга нисбатан процент ҳисобида)

Ишлаб чиқариш бошқармаларининг номи	Бир кунлик ўсиш	Мавсум бошидан бери.	Қоп-қанорсиз ташиш
Ўрта Чирчиқ	0,55	1,64	1,99
Юқори Чирчиқ	0,66	1,44	1,07
Бўка	0,38	1,41	1,72
Оққўрғон	0,35	0,86	1,11
Янгийўл	0,35	0,81	1,08
Бекобод	0,22	0,52	0,69
Калинин	—	—	—
Область бўйича	0,36	1,01	1,22

КОММУНИСТЛАР СЎЗИ

Ўрта Чирчиқ ишлаб чиқариш бошқармасининг азамат деҳқонлари ёз бўйи пешона тери тўкиб, баракали меҳнат қилдилар. Бепоён пахта далаларида мўл-кўл ҳосил тўпланди. Энди гап етиштирилган ҳосилнинг бирон граммини ҳам нобуд қилмай йиғиб-териб олиб, давлат омборларига топширишда қолган. Етти йилликнинг бешинчи йилида ўртачирчиқликлар она-Ватанга 51 минг тонна «оқ олтин» ҳадя этамиз деб сўз берганлар. Шу кунларда бошқармадаги Охунбобоев номли, «Ленин йўли», «Полярная звезда» ва бошқа бир қатор колхозларда терим кун сайин авж олиб бораяпти.

Техника деҳқоннинг энг яқин дўсти. Ўртачирчиқлик механизаторлар буни яхши билишади. Ҳақиқатан ҳам техника деҳқонларнинг оғирини енгил қилаяпти. Бошқарма механизаторлари бу йил пландаги 16 минг тонна ўрнига етиштирилган ҳосилнинг 25 минг тоннасини фақат «зангори кема»лар ёрдамида йиғиб-териб олишга аҳд қилганлар. Яқинда бошқарма механизаторларининг слёти бўлиб ўтди. Бу йиғинда механик-ҳайдовчилар ўз иш тажрибаларини ўртоқлашиб олишди. Ана шу слётга колхоз ва совхоз бошлиғи партия ташкилотларининг секретарлари, механизация бўйича раис ўринбосарлари, инженерлар ва механик-ҳайдовчилар таклиф қилишди.

Йиғилишдан аввал Янгийўл ишлаб чиқариш бошқармасидан келган 60 га яқин тажрибали механик-ҳайдовчи райондаги барча хўжаликларда бўлиб, йиғим-терим олдидан олиб борилаётган тайёргарлик ишлари билан батафсил танишиб чиқишди. Янгийўлликлар орасида машҳур механизатор, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Турсуной Охунова, Охунбобоев номли колхознинг моҳир механик-ҳайдовчиси Турсуной Раимова ҳамда Насиба Эргашевалар бор эди. Улар ўртачирчиқлик механик-ҳайдовчиларга ўз иш тажрибаларидан сўзлаб бердилар.

Минбарга «Узсельхозтехника» район бўлимининг директори ўртоқ Мелик Карамян чиқади.

— Бошқармамиз механизаторлари олдида — дейди у,— бу йил жуда катта ва масъулиятли вазифа турибди. Ўтган йили бошқармамиз деҳқонлари фақат 180 та пахта терадиган агрегатга эга эдилар, холос. Бу йил эса уларнинг сони 352 тага етди. Буларнинг сонини шу йилнинг ўзида 412 тага етказамиз. Шу кунларда барча хўжаликларда машина теримини жадал суръатлар билан бошлаш ва муваффақиятли давом эттириш ниятида етарли даражада запас қисмлар тайёрлаб қўйдик. Олти кўчма устахона ташкил этдик. Бу устахоналар етарли асбоб-ускуналар билан жиҳозланган, тажрибали инженерлар билан мустаҳкамланган. «Зангори кема»лар пахта далаларида иш бошлаши билан ана шу ўртоқлар ҳам улар билан ёнма-ён туриб ёрдам берадилар.

Энгельс номли колхознинг бош инженери ўртоқ Афанасьев машина теримини қандай ташкил қилишлари, механик-ҳайдовчиларга қандай шароит яратиб беришлари ҳақида гапиради.

— Бизнинг механик-ҳайдовчиларимиз, — дейди у, — планда белгиланган 900 ўрнига 1500 тонна «оқ олтин»ни машиналар ёрдамида териб олишга аҳд қилдилар.

— Бу йил хўжалигимиз механизаторлари етиштирилган ҳосилнинг 2200 тоннасини фақат машиналар ёрдамида териб олишга аҳд қилганлар, — дейди ўртоқ Усмонов, —ана шу ваъданинг устидан чиқиш учун мавжуд агрегатларни сифатли тайёрлаб қўйган эдик. Ҳар бир механик-ҳайдовчига карталар биркитиб қўйилган. Шу кунларда биз агрегатларимизни ўз картамиз ёнига чиқариб қўйдик. Ўзимиз эса бригада деҳқонлари билан биргаликда машина тушадиган карталардаги бегона ўтларни ўриб, чеккага чиқариб ташлаяпмиз. Бундай бегона ўтлар кўп эмас. Лекин онда-сонда учраб қолади. Ана шу ўтларга ҳам бефарқ қараб бўлмайди. Нега деганингизда бундай ўтлар машина механизмига ҳалақит беришини, иш унумини пасайтириб юборишини ҳар бир механизатор яхши билади. Биз машина терими бошлангунига қадар ажратилган карталарни топ-тоза қилиб қўямиз.

Нурмон Усмонов бу йил ўз агрегати ёрдамида юз тонна пахта териш юзасидан «Полярная звезда» колхозининг моҳир механик-ҳайдовчиси Малик Субановни социалистик мусобақага чақиради. Сўнг минбарга Малик Субанов чиқади.

— Ўтган йили, — дейди у, — «ХВС-1,2» агрегати билан 126 тонна «оқ олтин» терган эдим. Бу йил ўз агрегатим билан 140 тонна пахта теришни қўлдан келтирамман. Шу ўринда колхоз правленияси ҳамда бошлаётган партия ташкилотининг биз механик-ҳайдовчиларга қилаётган ғамхўрлиги ҳақида ҳам гапириш керак. Далада машина терими бошланиши билан зарур кийим-кечаклар ва иссиқ овқат билан таъминланамиз. Дала шийпонлари кўнгилдагидек жиҳозлаб қўйилади. Биз механик-ҳайдовчилар баракали меҳнатдан сўнг мароқли дам оламиз. Ана шундай шароитда ким ишламайди дейсиз. Ўтган йили 5 киши бир группа бўлиб пахта терган эдик. Ана шу беш киши 680 тонна «оқ олтин» териб тўкди. Бу йил ҳам ана шундай усулда ишлаймиз. Нега деганингизда группа бўлиб ишлаганда бирингизнинг камчилигингизни иккинчингиз дарров кўрасиз, ўз вақтида унга ёрдам берасиз. Ишингиз унумли бўлади.

Бошқарма механизаторлари «бу йил етиштирилган ялпи ҳосилнинг 50 процентини машиналар ёрдамида териб оламиз, бу бизнинг халқ, она-Ватан олдидаги шарафли бурчимиз» деяётган бир пайтда айрим колхоз раҳбарлари бу муҳим ишга панжа орасидан қараб келаётганликлари ҳақида ҳам гапириш керак. Далада машина терими бошланиши билан зарур кийим-кечаклар ва иссиқ овқат билан таъминланамиз. Дала шийпонлари кўнгилдагидек жиҳозлаб қўйилади. Биз механик-ҳайдовчилар баракали меҳнатдан сўнг мароқли дам оламиз. Ана шундай шароитда ким ишламайди дейсиз. Ўтган йили 5 киши бир группа бўлиб пахта терган эдик. Ана шу беш киши 680 тонна «оқ олтин» териб тўкди. Бу йил ҳам ана шундай усулда ишлаймиз. Нега деганингизда группа бўлиб ишлаганда бирингизнинг камчилигингизни иккинчингиз дарров кўрасиз, ўз вақтида унга ёрдам берасиз. Ишингиз унумли бўлади.

Бошқарма механизаторлари «бу йил етиштирилган ялпи ҳосилнинг 50 процентини машиналар ёрдамида териб оламиз, бу бизнинг халқ, она-Ватан олдидаги шарафли бурчимиз» деяётган бир пайтда айрим колхоз раҳбарлари бу муҳим ишга панжа орасидан қараб келаётганликлари ҳақида ҳам гапириш керак. Далада машина терими бошланиши билан зарур кийим-кечаклар ва иссиқ овқат билан таъминланамиз. Дала шийпонлари кўнгилдагидек жиҳозлаб қўйилади. Биз механик-ҳайдовчилар баракали меҳнатдан сўнг мароқли дам оламиз. Ана шундай шароитда ким ишламайди дейсиз. Ўтган йили 5 киши бир группа бўлиб пахта терган эдик. Ана шу беш киши 680 тонна «оқ олтин» териб тўкди. Бу йил ҳам ана шундай усулда ишлаймиз. Нега деганингизда группа бўлиб ишлаганда бирингизнинг камчилигингизни иккинчингиз дарров кўрасиз, ўз вақтида унга ёрдам берасиз. Ишингиз унумли бўлади.

Бошқарма деҳқонлари колган фурсатдан унумли фойдаланиб, машина теримига ажратилган карталарни сифатли дефолиация қилишлари, мавжуд терим агрегатларини яна бир бор кўздан кечириб, шайлаб қўйишлари ва карталарни бегона ўтлардан батамом тозалашлари керак. Хўжалик раҳбарлари эса механик-ҳайдовчилар учун етарли шароит яратиб беришлари лозим. Шундагина улар ўз ваъдаларининг устидан албатта чиқадилар.

С. ШОКАРИМОВ.

„ИНЖЕНЕРЛИК СОАТИ“ ИЗДОШЛАРИ

Яхши гапнинг қаноти бор, дейдилар. Тошкент экскаваторчиларининг машиналар сарф-харажатини кескин камайтиришга қаратилган муҳим ташаббуслари ҳам бора-бора қудратли тўлқинга айланиб кетди. Бугун ана шу олижаноб ҳаракатдан четда қолган коллектив йўқ ҳисоби.

Корхоналарнинг техник-иқтисодий кўрсаткичларини яхшилашда бу олижаноб ташаббус қувончли натижалар бераяпти. Ушбу саҳифада „Инженерлик соати“ ҳаракатининг илк самаралари ҳақида ҳикоя қиламиз.

Тошкент тўқимачилик машинасозлиги заводида «инженерлик соати» штаби аъзоларининг йиғилиши ҳамиша қизғин ўтади. Мана улар ҳозир ҳам штаб раҳбари ўртоқ Н. Гриценко (ўртада) раҳбарлигида бу ҳаракатнинг бориши ҳақидаги масалани муҳокама қилаётирлар.

В. Салов фотоси.

ТАШАББУС САМАРАЛАРИ

Февраль ойининг бошлари эди. Тошкент экскаваторчиларининг «Инженерлик соати» тўғрисидаги қимматли ташаббуси шаҳар корхоналари бўйлаб қанот ёзган кезлар. Биз дарҳол партия, касаба союз, комсомол ташкилотлари вакилларини экскаваторчилар ҳузурига йўлладик. Бу ўртоқлар «Инженерлик соати» ташаббускорларининг ишлари билан обдон танишиб қайтдилар.

Вакилларимиз қайтиб келган куннинг эртасигаёқ завод раҳбарлари, инженер-техник ходимларнинг умумий йиғилишини чақирдик. Йиғилишда ҳар бир инженер-техник ходим йил охиригача битта машина ишлаб чиқаришга сарфланадиган вақтни 40 минутга қисқартириш мажбуриятини ўз зиммасига олди. Олинган социалистик мажбуриятнинг бажарилиши устидан контроллик олиб бориш учун 9 кишидан иборат штаб ташкил этилди. Штабга бошлиқ қилиб завод бош инженери ўртоқ Н. Гриценко тайинланди.

Партия комитети ташаббус юзасидан олинган социалистик мажбуриятнинг бажарилишидан нўзқулоқ бўлиб турди. Шу йилнинг июнь ойида социалистик мажбуриятнинг бажарилиш якунлари партком йиғилишида муҳокама қилинди. Комитет мажлисида сўзга чиққан ўртоқлар дастлабки эришилган ютуқлар ва йўл қўйилган айрим нуқсонлар ҳақида гапирдилар. 1-механика ва йиғув цехлари бошлиқлари қаттиқ танқид остига олинди. Бу цехларда қимматли ташаббус ўз ансини топмаётгани маълум бўлди. Шундан кейин партия комитети аъзолари, цех партия ташкилотининг секретарлари камчиликларни бартараф қилиш йўлларини изладилар. Натижа ёмон бўлмади. Ишлар юришиб кетди. Завод рационализаторлик ва ихтирочилик бўлимига таклифлар ёғила бошлади.

БИРГИНА ТЕМИРЧИЛИК-ПРЕСС ЦЕХИ ИШЧИ ВА ИНЖЕНЕР-ТЕХНИК ҲОДИМЛАРИ 49 ТА РАЦИОНАЛИЗАТОРЛИК ТАКЛИФИ КИРИТДИЛАР. ШУЛАРДАН 15 ТАСИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШГА ЖОРИЙ ҚИЛИНДИ. БУ ТАКЛИФЛАР 1671 НОРМА-СОАТ ВАҚТНИ ТЕЖАШ ИМКОНИНИ БЕРДИ. БУНИ ПУЛГА АЙЛАНТИРИБ ҲИСОБЛАГАНДА 668 СУМ 40 ТИЙИННИ ТАШКИЛ ЭТАДИ. Ишнинг бу қадар яхши уюштирилишида цех партия ташкилотининг секретари, актив рационализатор Турсун Ахмедовнинг ҳиссаси катта. У цехдаги коммунистларга, ишлаб чиқариш илғорларига суянib иш тутди.

2-механика цехининг азаматлари ҳам яхши жонбозлик кўрсатдилар. Экскаваторчилар ташаббусига қўшилган нундан эътиборан бу цехдан 38 рационализаторлик таклифи тушди. Шулардан кўпчилиги ишлаб чиқаришга жорий қилиниб, 104 норма-соат тежалди. Цехдаги ҳар уч кишининг бири рационализатор. Цех коммунистлари илғор иш методларини жорий қилиш ва техникани тараққий қилдириш ишларида бош қош бўлишмоқда.

Барча цехларнинг бир меёрда, унумли ишлаши кўп жиҳатдан ремонт-механика цехининг оперативчилигига боғлиқ. Вақтида сифатли ремонт қилинган агрегат ва ускуналар ишчиларни қийнамайди. Шу цехнинг ишчиси коммунист Г. Герасимов яқинда ажойиб рационализаторлик таклифи билан чиқди. Чунончи, илгарилари вагранкалар фақат байрам кунларидагина ремонт қилинарди. Негаки, вагранка жуда иссиқ бўлиб, уни ремонт қилиш учун камида бир сутка давомида совутиш керак. Сўнг ремонтга киришилади. Ремонт учун эса 2 кун ҳам озлик қилади. Ўртоқ Герасимовнинг таклифи бўйича вагранкаларнинг ғишт деворлари олдиндан шаблонга солиб териб, тайёрлаб қўйилади. Сўнг вагранка тўхтатилиши билан тайёр қисмлар ўрнатилади. Бу ажойиб таклифнинг жорий қилиниши вагранкаларни дам олиш кунлари ҳам ремонт қилиш имконини берди. Натижада меҳнат шароити яхшиланиб, иш унумдорлиги ошди.

Яна бир мисол. Илгарилари қозонларни монтаж қилиш ишлари пудратчиларга берилади. Ҳозир эса уни механика цехи ўз кучи билан монтаж қилишга ўтди. Бунинг натижасида заводнинг минглаб сўмлари тежалди. Иш сифати яхшиланди. Шунга ўхшаш мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Экскаваторчиларнинг «Инженерлик соати» тўғрисидаги ташаббусининг моҳиятини заводдаги инженер-техник ходимларгина эмас, ишчилар ҳам яхши тушуниб етганлар. Бинобарин, бу ишнинг завод экономикаси учун қанчалик муҳим эканлигини эътироф этмайдиган кишининг ўзи йўқ. Бунинг исботи учун заводимизда Москвадаги Лихачев номли автомобиль заводи тажрибаси асосида ташкил этилган ҳар бир ишчининг шахсий иш планини мисол келтириш кифоя. ПЛАНДА ҲАР БИР ИШЧИ БЕРИЛГАН ТОПШИРИҚЛАРНИ 110-120 ПРОЦЕНТДАН БАЖАРИШ БИЛАН БИРГА АЛБАТТА РАЦИОНАЛИЗАТОРЛИК ТАКЛИФИ БИЛАН ЧИҚИБ «40 МИНУТ» ҲИСОБИГА ҲИССА ҚУШИШ ЮЗАСИДАН ОЛГАН МАЖБУРИЯТИ ҲАМ ЕЗИБ ҚУЙИЛГАН.

«Инженерлик соати» жорий қилиш тўғрисидаги ташаббуснинг бошланганига 7 ой бўлган бўлса, ШУ ВАҚТ ИЧИДА 249 РАЦИОНАЛИЗАТОРЛИК ТАКЛИФИ ТУШДИ. ТАКЛИФЛАРНИНГ КЎПЧИЛИГИНИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШГА ТАТБИҚ ҚИЛИШ ТУФАЙЛИ 1303 НОРМА-СОАТ ТЕЖАЛДИ. БУ ЭСА 31 МИНГ 201 СУМ ФОЙДА БЕРАДИ.

Завод партия комитети, касаба союз ва комсомол ташкилотлари рационализаторлик ва ихтирочилик бюроси аъзолари билан ҳамкорликда тушган рационализаторлик таклифларини пропаганда қилишга жиддий эътибор бермоқда. Заводнинг «Машиностроитель» кўптиражли газетаси, деворий газета, «Жанговар варақа»ларда илғор иш тажрибалари муттасил ёритиб борилади. Актив рационализаторларнинг фотосуратлари завод ҳурмат тахтасига қўйилади. Шунингдек улар моддий томондан рағбатлантириб борилади.

Бизда коммунистик меҳнат учун кураш тобора авж олмоқда. Ишга виждон амри билан коммунистчасига муносабатда бўлинаётир. Икки цех, 32 бригада, коммунистик меҳнат коллективи деган шарафли номга муяссар бўлди. 126 кишi коммунистик меҳнат зарбдоридир. 9 цех, 79 бригада шу ном учун социалистик мусобақани авж олдириб юборган. 242 киши коммунистик меҳнат зарбдори деган улуғ ном учун курашмоқда.

Юқоридаги ютуқлар билан бир қаторда камчиликлардан ҳам қоли эмасмиз. Социалистик мажбуриятларнинг бажарилиши устидан суст контроль олиб бораётирмиз. Биз голвий-тарбиявий ишларни янада яхшилашимиз керак. Коммунистик мўл-кўлчиликни яратиш билан бирга коммунизм кишисини тарбиялаб вояга етказишимиз лозим. Ташкилий ишларни идеология ишлари билан чамбарчас боғлаб олиб боришимиз керак.

Ана шу вазифалар завод партия ташкилоти зиммасига қатта масъулият юклайди. Тўқимачилик машинасозлиги заводи коммунистлари бу вазифанинг уддасидан чиқишга қодирлар.

И. РИБЧЕНКО,
«Таштекстильмаш» заводи партия комитетининг секретари.

СЎНГГИ АХБОРОТ

— «ИНЖЕНЕРЛИК СОАТИ» ХАРАКАТИ ҚАНДАЙ БОРАЯПТИ?

Кеча саноат корхоналари ва қурилиш ташкилотлари билан телефон орқали боғланиб, «Тошкент ҳақиқати»нинг штатсиз мухбирларига шу савол билан мурожаат қилдик. Қўйида бу ажойиб ватанпарварлик ҳаракатининг бориши ҳақидаги оператив маълумотлар билан танишасиз.

ҚИММАТЛИ ТАКЛИФ

— Корхонамиз коллективи, — деб хабар қилди Чирчиқ электрохимия комбинатининг слесари, штатсиз мухбиримиз ўртоқ Г. ЯСТРЕБОВ.— Тошкент экскаваторчиларидан ўрнак олиб, Иттифоқда энг арзон минерал ўғит тайёрлашга сўз берганлар. Ҳозир комбинатимиз техника зиёлилари орасида ҳам, ишчилар ўртасида ҳам зиммага олинган мажбуриятни шараф билан бажариш учун ижодий изланиш муваффақиятли давом этмоқда. Новаторларимиз ишлаб чиқариш технологиясини такомиллаштириш, хомашёни тежаш ва маҳсулот таннархини камайтиришга қаратилган кўплаб рационализаторлик таклифлари билан чиқаётирлар.

Яқинда аммиак ишлаб чиқариш цехининг Г. Вургафт, С. Фарбер, П. Можара, Л. Кальман ва П. Канун ўртоқлардан иборат бир группа рационализаторлари чиқиндига ташланадиган азотдан қайта фойдаланиш йўлини топдилар.

Бу таклифнинг ишлаб чиқаришга жорий қилиниши суюқ минерал ўғит тайёрлашни сезиларли даражада кўпайтириш имконини беради. ANA ШУ ЯНГИЛИК ТУФАЙЛИ КОРХОНА БИР ЙИЛДА 33 МИНГ СЎМЛИК МАБЛАҒ, ШУНИНГДЕК 3 МИЛЛИОН 500 МИНГ КИЛОВАТТ-СОАТ ЭЛЕКТР ҚУВВАТИ тежаб қолади.

БИНОКОРЛАР «ЛАББАЙ»И

— «Инженерлик соати» ташаббуси, — деди Тошкент ГРЭСи қурилиши бошқармаси партия ташкилотининг секретари ўртоқ Д. РУБА, — бинокорларга ҳам жуда қўл келмоқда. Қурилиш бошқармасининг ҳар бир инженер, техник, мастер ва бошқа мутахассиси ўзининг кундалик вазифасидан ташқари ижодий изланишда бўлиб, ЙИЛ ОХИРИГА ҚАДАР КАМИДА 300 СЎМЛИК ИҚТИСОДИЙ ФОЙДА БЕРАДИГАН РАЦИОНАЛИЗАТОРЛИК ТАКЛИФИ билан чиқиш юзасидан мажбурият олган.

Ҳозир «Инженерлик соати» штабига бир қанча таклиф тушди. Ишчи Головиннинг насослар ҳаракатларини автоматлаштиришга қаратилган таклифи айниқса диққатга сазовордир. Бу янгилик туфайли насосхоналарда навбатчилик қиладиган 6 кишини бошқа ишга ўтказиш имкони туғилди.

Инженер ўртоқ Мамедов ҳам ажойиб янгилик киритди. У микрорайонни электр қуввати билан таъминлашда юқори вольтли электр линиясидан фойдаланишни таклиф қилди. Яъни у, микрорайон қурилиши лойиҳасида кўзда тутилганидек, электрни кабель ётқизиб шоҳар чеграрасидан эмас, балки подстанция ўрнатиш йўли билан микрорайон яқинидан ўтган юқори вольтли электр узатиш линиясидан олишни маъқул деб топди.

ТЕХНИКА ШИНАВАНДАЛАРИ

Штатсиз мухбир ўртоқ Ҳ. ЖУРАБОЕВ қуйидагиларни маълум қилди: — Қўл билан бирни қилсанг, техника билан ўнни бажарасан, дейилиб, ижодий изланиш туфайли техникани тараққий эттириш йўли билан меҳнат унумдорлигини ошириш учун дадил юриш бошладилар. ҲАР БИР ИНЖЕНЕР-ТЕХНИК ҲОДИМ КУЛЬТИВАТОР ТАЙЁРЛАШ ҮЧУН КЕТАДИГАН МЕҲНАТ САРФ-ХАРАЖАТИНИ 6 МИНУТ, ҚУРАК ТЕРИШ МАШИНАСИДАН 54 МИНУТ ВА БИР ТОННА МЕТАЛЛ ҚУЙИШГА КЕТАДИГАН ВАҚТНИ 3 МИНУТГА КАМАЙТИРИШГА сўз берган.

Корхонада техника зиёлиларигина эмас, балки ишчилар ҳам ижодкорлик билан шуғулланишга вақт топмоқдалар. Механик С. Муравский бир группа ўртоқлари билан завод омборида узоқ вақтдан буён бекор ётган кўп тишли учта ярим автомат станокка «жон киритди»: уларни «НКУ» культиваторининг «105» деталини ишлашга мослантириб реконструкция қилди. Ярим автоматлар ҳаракатга келиб, юқори унум билан ишлайбошлади. Ҳозир уч автоматни бир токарь бемалол бошқариб, культиватор учун жуда муҳим бўлган механик тарелкалар ишлаб чиқараётир. Унда ҳар сменада 160—180 та деталь тайёрланаяпти. Натижада корхонада йилига бир ярим минг сўмлик маблағ тежалди.

«Инженерлик соати» издошлари шу йилнинг охиригача қадар маҳсулот ишлаб чиқариш учун кетадиган меҳнат сарфиётини камида 200 минг норма-соат озайтириш учун ғайрат қилмоқдалар.

ИЗЛАНГАНГА ТОЛЕ ЁР

Ҳар йил бошида корхоналарда белгиланган йиллик программани беками-кўст бажариш учун имкониятлар қайта-қайта чамалаб кўрилади: ички резервлар ахтарилади. Заводимиз коллективи олдида улкан вазифа турарди. Биз пахтани қоп-қанорсиз ташийдиган прицеплар ишлаб чиқаришни бу йил камида 21 мингтага етказишимиз, меҳнат унумдорлигини бир неча ўн процент оширишимиз зарур эди. Лекин бу катта вазифани қандай ҳал қилиш мумкин? Коллективимиз шу жумбоққа жавоб ахтара бошлади.

Уша кезларда матбуотда экскаватор заводи инженер-техник ходимларининг ташаббуси эълон қилинди. Бу ажойиб ҳаракат тезда заводимиз техника зиёлиларини ҳам қизиқтириб қолди.

Завод партия комитетининг кенгайтирилган йиғилиши бўлди. Экскаваторчилар бошлаган ташаббус, унинг моҳиятига бағишланган масала анча вақтгача қизғин муҳокама қилинди. Муҳокамада гапирмаган киши қолмади ҳисоб. Бироқ ҳаммаларнинг фикри бир ердан чиқди: ташаббусни қўллаб-қувватлаш керак! Йиғилишда харакатимизга бошчилик қилиб турадиган «Инженерлик соати» штаби тузилди.

Эртаси куни штаб эшигида: «ҲАР БИР ИНЖЕНЕР-ТЕХНИК ҲОДИМ ИЖОД ҚИЛИШИ КЕРАК!» деган сафарбарлик шиори пайдо бўлди. Штаб аъзолари имкониятларни синчиклаб кўриб, мажбуриятларнинг лойиҳасини ишлаб чиқдилар. Ҳар бир инженер-техник ходим эгаллаган лавозими, қиладиган ишидан қатъий назар шахсан конкрет ижодий таклиф киритиши ва бу билан пахтани қоп-қанорсиз ташийдиган битта прицеп тайёрлашга кетадиган меҳнат сарфини камида 2 минутга қисқартириши лозим эди. Ҳисоблашлар шуни кўрсатдики, агар ҳар бир инженер-техник ўз мажбуриятини сўзсиз адо этса, корхонамиз бир йил ичида 100 минг сўмлик фойда кўрар экан. Демак, шу тадбирнинг ўзиёқ меҳнат унумдорлигини қўшимча равишда 11,1 процент оширар эди.

Мана, орадан салкам етти ой ўтди. Дастлабки ишларга якун ясасак ҳам бўлади. Хўш, шу давр мобайнида қандай янгиликлар амалга оширилди?

Ўтган йил мобайнида корхонамиз бўйича ҳаммаси бўлиб 300 та таклиф киритилган эди. Бу йилнинг етти ойи ичидаёқ «Инженерлик соати» штабига 390 та қимматли таклиф тушди. Бу, ажойиб ватанпарварлик ҳаракатининг меваси сифатида техник зиёлиларимиз ижодий активлигининг ниҳоятда ошганлигидан далолат бериб турибди.

Энди бу таклифлар келтираётган фойда ҳақида икки оғиз сўз. Мана шу таклифларнинг барчасини ишлаб чиқаришга жорий қилсак, бир йилда 87 минг сўмлик давлат маблағини тежаб қолган бўламиз. Ҳозиргача жорий қилинган таклифлар эвазига 53 ишчини бошқа участкага ўтказиш имкони туғилди. Ҳар бир прицепнинг меҳнат сарфиёти 7 ярим процент қисқарди. Меҳнат унумдорлиги 5 процентдан зиёд ортди.

Заводимиздаги инженер-техник ходимлардан ярмидан кўпроғи «Инженерлик соати» бўйича ўз мажбуриятини ортириб бажарди. Айниқса 1-йиғув-пайвандлаш цехи мутахассисларининг бу соҳадаги ютуқларини қувонч билан таъкидлаш керак.

Коллективимиз активлигининг ошганлиги, ҳар бир инженер-техник ходим ўз ижодий таклифлари билан корхонага катта наф келтираётганлиги учун давлат топшириқларини муваффақиятли адо этиб келмоқдамиз. Сурункасига тўрт кварталдан буён республика Министрлар Совети ва Узсовпрофнинг кўчма Қизил байроғини қўлда сақлаб келаётган меҳнатсевар коллективимиз 28 август куни прицеплар тайёрлаш бўйича 8 ойлик топшириқни бажарди. Муддат охиригача қўшимча юзларча прицеп тайёрладик.

Биз эришилган ютуқлар билан кифояланиб қолмаймиз, албатта. Изланиш давом этади. Ҳозир ҳар бир прицепга кетадиган меҳнат сарфиёти 91 норма-соатни ташкил этмоқда. Мақсадимиз: уни 50—55 норма-соатга келтиришдир. Бунда, албатта, «Инженерлик соати» издошлари бўлган ижодкор инженер-техник ходимларимиз, актив рационализатор ишчиларимиз кўмагинга таянамиз.

В. ШАБЕРТ
«Ташавтомаш» заводи меҳнат ва иш ҳақи бўлими бошлиғи, «Тошкент ҳақиқати»нинг штатсиз мухбири.

Чашма

Учқундан аланга пайдо бўлгани сингари Тошкент экскаватор заводи техника зиёлиларининг машиналарга кетадиган меҳнат сарфиётини камайтириш ҳақидаги қимматли ватанпаварлик ташаббуси қанот боғлаб, тезда жуда кўп корхоналарга парвоз қилди. Бу ташаббус пойтахтимиздагина эмас, республикамизда, шунингдек Иттифоқимизнинг кўпгина машинасозлик корхоналарида қизғин қўллаб-қувватланди.

«Инженерлик соати» ҳаракати — шу ташаббуснинг байроқдори бўлган заводнинг ўзида қандай бораяпти? Шу мақсадда экскаваторчилар ҳузурида бўлдик.

Деразаларидан нур ёғилиб турган катта хона. Уч томонга зич қилиб терилган стуллар кишилар билан тўлган. Тўрда завод партия ташкилотининг секретари Р. Д. Кислюк ва штаб раҳбари бош инженер Е. Ф. Фильченко ўртоқлар ўтиришибди. Корхонанинг барча цех ва ижодий бўлимларидан бошлиқлар, рационализаторлар ташкилотчилари йиғилишган. Улар рационализаторлик ва ихтирочилик таклифларининг яшлаб чиқаришга жорий қилиниши ҳақидаги масалани муҳокама қилишарди. Рафаэль Давидович тўпланганларга ташаббус бошланганидан буён 700 дан ортиқ таклиф тушганлигини билдирди.

— Рационализаторлик таклифлари шу даражада кўпайиб бормоқдаки — дейди у, — уларни кўриб чиқиш ва ишлаб чиқаришга жорий этишга улгуролмай қолаяпмиз.

Бундай тўсиқни йўқотиш мақсадида яқинда бирнеча ташкилий ишлар амалга оширилди. Корхона директорининг буйруғи билан рационализаторлик ва ихтирочилик бюросига техника ахбороти бўлими бирлаштирилди. Чунки, новаторлик таклифларини кўриб чиқиш фақатгина рационализаторлик ва ихтирочилик бюроси бошлиғининг қўлидан келмай қолди. Шунинг учун Валя Данилова бошқа ишдан ана шу бюрога ўтказилди. Техника кутубхонаси ходимлари керакли адабиётларни танлаш ва ахборот эълон қилишда бюрога ёрдам берадиган бўлдилар. Шунингдек ҳар бир рационализаторлар ташкилотчиси ҳар ҳафтада асосий ишдан ажралган ҳолда уч соат вақтини новаторлик таклифларини жорий этишга бағишлайдиган бўлди.

Корхонадаги давлат технологик-конструкторлик бюроси таклифларнинг мураккаб чизмалардан иборат қисмини бажариб беришни зиммасига олди.

Штаб аъзоларининг зўр бериб ишлашларига қарамай барча таклифларни вақтида кўриб чиқиш ва ишлаб чиқаришга жорий этишга сира улгуриб бўлмаяпти. Ҳозирча 150 га яқин таклиф тўла жорий этиб бўлинди. Ваҳоланки, ўтган йил давомида жорий этилган барча таклифларнинг сони 100 дан ошмаган эди.

I ва II кварталларда экскаваторларга кетадиган меҳнат сарфини 30 соатга камайтириш юзасидан олинган мажбурият ошиғи билан адо этилди. Яъни, 45 соат тежаб қолинди! Мўлжалдаги 70 минг ўрнига 100 минг сўмлик давлат маблағи иқтисод қилиб қолинади. Яна 80 га яқин таклиф ишлаб чиқаришга жорий қилиш арафасида турибди.

Мажлис ҳар қандай расмиятчиликдан йироқ бўлиб, унинг иштирокчилари ўз фикр-мулоҳазаларини даврада баралла айтишар, баъзан эса кескин баҳс ва мунозара бошланиб кетарди.

Бош конструктор бўлимининг раҳбари Л. Рабинов ўз ходимларининг нима иш қилаётганликлари ва келажакдаги режалари ҳақида гапириб берди:

— Сентябрь ойида меҳнат сарфини бир соатга камайтиришимиз мумкин, — деди у.

Қуюв цехининг бошлиғи И. Дубин:

— Инженер-техникларимиз шу ой ичида 2,5 соат вақт тежаб берадилар, — деди.

Суҳбат қизиб борар, штаб раҳбари Евгений Фролович Фильченко сўзловчиларнинг гапини завқ билан тинглаб ўтирарди. У бирдан биринчи механика цехи бошлиғи А. Вербицкийдан сўраб қолди...

— Сизнинг цехингизда аҳвол қандай?

Цех бошлиғи уялинқираб жавоб қайтаради.

— Цехимизда инженер ва техниклар кам, Евгений Фролович, — дейди у. — Шу боисдан, ҳар қалай озроқ ҳисса қўшсак керак.

Ўртоқ А. Вербицкийнинг бу жавобини йиғилганлар ўтакамтароналикка қабул қилдилар. Чунки, цехда инженер-техник ходимлар оз бўлгани билан, ижодий изланишда ишчилар ҳам бўш келмаяптилар. С. Кравченко ва К. Михайловлар битта таклиф киритиб, меҳнат сарфини уч минутдан камайтирдилар. Токарь Г. Кальмаков 15 та рационализаторлик таклифи киритган.

Механизациялаштириш ва автоматлаштириш бюроси бошлиғи В. Г. Глушченко сўз олади.

— Ҳозирча бюро ходимлари киритган таклифлар сентябрь ойида 40 минут ва октябрда 50 минут меҳнат сарфиётини камайтиришга имконимиз борлигини кўрсатиб турибди, — дейди у.

Виктор Григорьевич бошлиқ бюро ходимлари тайёрлаган чизма асосида ремонт-механика цехида янги агрегат станок қурилди. Бу станок ишга тушгач, бир ишчи озод қилинади, меҳнат сарфи 40 минутга камаяди. Уни конструкторлар В. Моргачёв ва И. Гарибянлар тайёрлашган.

Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Корхонада амалга оширилаётган янгиликлар шунчалик кўпки, уларни санаб чиқиб бўлмайди. Фақат бир нарсани дадил айтиш мумкин. Қалби булоқдек қайнаб-тошиб турган бу коллектив ҳар бир аъзосининг юрагги ташаббус чашмасидан озуқа олиб тепмоқда.

Н. МЎМИНОВ,
Т. МИРҲОДИЕВ.

Суратда: завод техника зиёлиларидан бир группаси (чапдан) бош металлург ўринбосари К. Носко, бош металлург Я. Розенберг, инженер-конструктор Э. Еникеев ва инженер-технолог В. Махов ўртоқлар янги таклиф устида ишламоқдалар. Уларнинг ҳар бири ташаббус бошланганидан бери 12-15 тадан ижодий таклиф киритган.

А. Тўраев фотоси.

Саноат САҲИФАСИ

ЭРТАГА — БОЛГАРИЯНИНГ МИЛЛИЙ БАЙРАМИ

ҚАЛБ ХОТИРАСИ

Бундан 19 йил муқаддам болгар меҳнаткашлари Болгария Коммунистик партияси раҳбарлигида фашизмга қарши қуролли қўзғолон кўтариб, Совет Армиясининг қардошларча ёрдамида капитализм ва фашизм зулмидан халос бўлдилар. 1944 йил 9 сентябрь қўзғолони Болгарияни социализм йўлига олиб чиқди.

Болгар халқи мана шу йиллар давомида ғалаба кунини кўра олмай, озодлик йўлида қурбон бўлган кишилар хотирасини меҳр-муҳаббат билан ўз қалбида сақлаб келди.

Серқуёш мамлакатнинг воқийлари ва қирлари, шаҳарлари ва қишлоқларида болгар қаҳрамонлари шарафига ўрнатилган кўпгина ёдгорликлар ва қардошлар мозорлари авайлаб сақланмоқда. Улар орасида совет жангчилари хотираси учун қўйилган ёдгорликлар ҳамда қардошлар мозорларини кўриш мумкин.

Қора денгиз бўйидаги Шабла қишлоғига яқин жойда, қояли қирғоқда беш қиррали қизил юлдуз тасвирланган кичикроқ гранит ёдгорлик бўлиб, унда қуйидаги сўзларни ўқиш мумкин: «Совет учувчилари, Ленинград областидан капитан В. Л. Неверовга, Кострома областидаги Буй шаҳридан старшина М. А. Воронинга. Улар бу ерда, 1944 йил 15 майда фашист босқинчилари билан бўлган жангда қаҳрамонларча ҳалок бўлдилар».

Варнадаги денгиз бўйида жойлашган паркда ёдгорлик тахтаси бор. Унда совет матроси Красюкнинг фамилияси олтин ҳарфлар билан ёзиб қўйилган. Красюк 1944 йилнинг сентябрида ана шу қирғоққа биринчи бўлиб қадам қўйган ва душман ўқидан ҳалок бўлган эди.

Дунай қирғоғида, гуллаб турган акациялар ва кишилар қўли билан ўтқазилган ёш қайинзорда совет жангчиларининг қабристони бор. Видин шаҳри меҳнаткашлари уни авайлаб сақлашади. 1944 йилда Видин шаҳри ёнидаги жангла қаҳрамонларча ҳалок бўлган 152 совет солдати ва офицери шу жойга дафн қилинган.

Совет солдатларининг қабристони йил бўйи гуллар ва кўп сонли гулчамбарларга кўмилиб туради. Бу ер жуда гавжум. Минглаб меҳнаткашлар ўзларининг озод ва бахтли ҳаёти, янада гўзал келажаги учун курашиб жон берган жангчиларга миннатдорчилик изҳор қилиш, уларни хотирлаш учун мамлакатнинг ҳамма томонидан бу ерга келадилар.

Болгарияда совет жангчиларининг жасорати тўғрисида кўп ҳикояларни эшитиш мумкин. Бу ҳикоялар худди афсоналар каби оғиздан-оғизга кўчиб юради.

Яқинда Благоевград шаҳрида шундай ҳикоялардан бирини эшитдик. Болгариянинг бу қадимий шаҳри Рила тоғининг манзарали ёнбағрида, Струма ва Бистрица тоғ дарёлари қирғоғида жойлашган.

— Бу воқеа 1943 йил ноябрида юз берган эди, — деб бошлади ўз ҳикоясини тоғли Жўмай партизан отрядининг собиқ жангчиси Борис Манов. У ҳозир Благоевград округ халқ кенгашининг ходими бўлиб ишлайди. — Отрядимиз Струма дарёси районидаги тоғли жойларда жанг қилар эди. Унинг раҳбари подпольедаги коммунист Арсо Пандурский эди. Бир куни ҳузуримизга Қизил Армия лейтенанти, коммунист Иван Вальчук келди. У шаҳардаги подпольечи комсомоллар ёрдамида гитлерчилар асирлигидан қочиб қутилган эди. Иван 22 ёшда бўлиб, ўрта бўй, кенг елкали, сариқ сочли, мовий кўзли йигит эди. Партизанлар уни хурсандчилик билан кутиб олишди. Биз аввалари совет мамлакати, совет кишилари тўғрисида кўп эшитган эдик. Мана энди бўлса совет кишисини ўз кўзимиз билан кўриб турибмиз. Уни Ванюша деб атай бошладик. У оғир асирликдан сўнг бироз соғайгач, отрядимиз ҳаётига кўникиб қолди. Тез орада энг актив партизанлардан бирига айланди. Мардлик ва жасорат талаб киладиган ҳужумларда қатнашди. Биз бир неча марта Ванюша билан бирга жанг қилдик. У ҳамиша ўртоқларини ўз гавласи билан тўсиб, олдинда борарди.

Ванюшанинг мардлиги, жасорати, довюраклиги ва камтарлиги бизга жуда ёқарди. У бизни бардам бўлишга, ғалабани ишонч билан кутишга, оғир дақиқаларда ҳам руҳан тушмасликка даъват киларди. Русча ва украинча қўшиқларни шундай яхши айтардики, улар ҳанузгача бизнинг ёдимизда қолган. У дам олиш пайтларида совет мамлакати, жонажон Украинаси, ўз юрти — Житомир ҳақида кўп гапирар эди.

Орадан икки ой вақт ўтди. Партизанлар отряди Струма дарёсидан ғарброкда жанг қилиш учун топшириқ олди. Улар орасида Ванюша ҳам бор эди. Партизанлар фашист полицияси билан жанг қилиб, тоғли жойда тунаб қолишга қарор қилишди. Шу ерлик бир киши уларни гитлерчилар қўлига тутиб берди. Партизанлар сон жиҳатдан анча кўп бўлган фашистлар қуршовида қолдилар.

1944 йил 29 январда бўлган ана шу жангда отряд командири Арсо Пандурский бошлиқ партизанлар группаси, улар қаторида Ванюша ҳам ҳалок бўлди.

Иван Вальчук ва унинг жанговар дўстлари ҳалок бўлган кундан бери қариб 20 йил вақт ўтди. Лекин бутун болгар халқи уларнинг порлоқ хотирасини ўз қалбида сақламоқда.

Болгария халқ ҳукумати қаҳрамон партизанларни орден ва медаллар билан мукофотлади. Совет жангчиси, Қизил Армия лейтенанти Иван Вальчук эса «Халқ озодлиги учун» орденига сазовор бўлди.

Яқиндагина Житомир областидаги Андрушовка посёлкасида совет жангчисининг қариндошлари ва яқин кишилари яшаётганлиги маълум бўлиб қолди. Благоевград шаҳрининг жамоат ташкилотлари уларни Иван Вальчук жанг қилган ҳамда болгар халқининг озодлиги ва бахт-саодати учун курашиб, қаҳрамонона ҳалок бўлган жойларни келиб кўришга таклиф қилдилар.

Клара ОРЛОВА
(ТАСС мухбири).
Благоевград—София.

Болгария Халқ Республикасининг пойтахти — София кундан-кунга гўзаллашиб бормоқда. Суратда: София шаҳри.

ТАСС фотохроникаси.

МЕҲНАТ АВЖИ

Олтин куз ҳам бошланди. Кунлар совимоқда. Бундан буён қишлик кийимлар харид қилиш мавсуми бошланади.

— Кундан-кунга ўсиб бораётган харидорлар талабини қондириш мақсадида бу йил 63 моделда пальто тикаяпмиз, — дейди пойтахтимиздаги «Қизил тонг» фабрикаси касаба союз комитетининг раиси Сайёра Султонова. Уларнинг 56 таси модалар уйидаги нусхалардан танлаб олинди. 7 таси ўз ижодий коллективимиз қўлидан чиқди.

Фабрика коллективи янги моделларда маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича барча тайёргарликларни кўриб қўйган. 5 та янги тикув машинаси, 5 та 65-класс машинаси ўрнатилди. Дазмоллаш пресслари конструкцияси ҳам янгидан қўлланилаяпти. Буларнинг барчаси иш процессларининг 96 процентини механизациялаш имконини туғдирди.

Иш қуролинг соз бўлса, машаққатинг оз бўлар экан, дейишаяпти 2-тикув цехи чеварлари. Бу ерда барча ишлар конвейер усулида бажарилаяпти. Айниқса пресловчи Женя Медведьеванинг чаққон ҳаракатлари кишини қойил қолдиради.

— Женя кунлик топшириқларини доимо ортиғи билан—120—130 процентдан адо этаяпти, — дейди цех бошлиғи ўртоқ А. Мирфайзиев. — Ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда у Тошкент тўқимачилик институтининг 4-курсида ўқимоқда. Женя цехда илғор жамоатчи ҳамдир. Кўпдан бери цех комсомол ташкилотининг секретари. Шуларнинг барчасига қандай қилиб вақт топишига қойил қоласиз унинг.

Фабриканинг бошқа цехларида ҳам меҳнат авжида. Бригадалар ўртасида социалистик мусобақа қизғин бораяпти. Уларнинг кўзлаган мақсадлари бир: йиллик планни муддатидан олдин бажариб, меҳнаткашлар кўнглини шод этиш. Улар йил охиригача 4 минг дона қўшимча пальто тикиб бериш, давлатнинг 17 минг сўмлик маблағини иқтисод қилиб қолиш ва маҳсулот таннархини 20 минг сўмга арзонлаштиришга аҳд қилишган. Фабрика чеварлари шу кунларда ўз сўзларининг устидан чиқиш учун фидокорона меҳнат қилмоқдалар.

Э. МАМАЖОНОВА,
Д. МУСАЕВА.

БУГУН — ТАНКЧИЛАР КУНИ

ХАЛҚИМИЗНИНГ БРОНЯЛАНГАН МУШТИ

Суратда: аълочи танк экипажи аъзолари (чапдан) оддий солдат Султон Мирраҳимов, оддий солдат Георий Тулин, сержант Валентин Левченко ва оддий солдат Константин Трофимов навбатдаги машқдан сўнг.

А. Асанов фотоси.

ВАТАНИМИЗ ҚУДРАТИНИНГ ТИМСОЛИ

Михаил КАТУКОВ

Бронетанк қўшинлари маршали, икки марта Совет Иттифоқи Қаҳрамони

Боболар, оталар, набиралар... Мен совет жангчиларининг бу уч авлодини — гражданлар уруши йилларида босқинчиларни қақшатган, Ватан уруши йилларида қаттиқ жанг билан Волгадан Берлингача бўлган йўлни босиб ўтган, ҳали жанг қилмаган бўлса ҳам қудратли қуролни пухта билган кишиларни китоблардан эмас, балки шахсан биламан.

Бу мақолада гап фақат танкчилар ҳақида боради. 30 йилдан ортиқроқ вақтдан буён улар билан биргаман. Фронт машаққатлари ва қувончларини улар билан бирга татиганман. Қадрдон дўстларимнинг мардлиги билан ҳамиша фахрланаман.

Ўтган урушнинг бошларида 4-танк бригадаси жангчилари душман билан қандай курашганликларини яхши эслайман. Мен ана шу бригадага қўмондонлик қилиш шарафига муяссар бўлган эдим.

1941 йилнинг октябри эди. Машаққатли куз! Бутун уруш давомида биз учун бунчалик оғир вақт бўлмаган. Ўзингизни қадимий Мценск шаҳарчасида тасаввур қилиб кўринг. Орёлгача 60 километр келади. Шимолроқда эса Тула. Туладан Москвага қўлни узатса етади.

Ана шу Мценск ва Орёл ўртасида пойтахтга жанубдан кирадиган чегараларни тўсиб, бригадамиз очиқ фронтда ҳаракат қиларди. Генерал Гудериннинг танк армияси бизга қарши турарди. Унинг кучи бизникидан ўн баравар кўп эди. Тажрибада ҳам бировдан ўрганадиган жойи йўқ эди.

Биз бардош берган эканмиз, бир ҳафта давомида шундай кучли душманни тўхтатиб турган эканмиз, буни фақат жангчиларимизнинг фидокорлиги ва моҳирлиги билан изоҳлаш мумкин, холос.

Бу энг қизғин ҳафтанинг, тўғрироғи саккиз кунининг умумий якуни қандай бўлди? Биз учун жуда қувончли бўлди! Душман деярлик олға силжимади; у 133 танк, 49 тўп, 8 самолёт ва жуда кўп техника йўқотди. Бригадамиз гвардиячи бригада қилиб қайта ташкил этилди, жангчиларнинг катта группаси ҳукумат мукофотлари билан тақдирланди. Булар орасида ўша вақтдаги энг мард танкчилардан унутилмас Дмитрий Лавриненко бор.

Лейтенант Лавриненко Кубанда туғилиб ўсди. Унинг отаси қизил партизан бўлиб, ёш Советлар республикасини ҳимоя қилатуриб ҳалок бўлди. Дима отасини билмаган бўлса ҳам унинг образини қалбида сақлар ва отасидек софдил, халқ учун кучини аямай сарфлайдиган бўлиб яшашга ҳаракат қиларди.

Шундай бир воқеани эслайман. Ҳозиргина мен ҳикоя қилиб берган жанглардан сўнг бригадамиз Волоколамск йўналишига ташланган эди. Лавриненко бўлса ўз экипажи билан мустақил ҳолда ҳаракат қиларди. Ҳисобларга кўра у бригада жойлашиб турган жойга етиб келган бўлиши керак эди-ку, аммо ундан дарак йўқ эди. Ниҳоят у етиб келиб, вазифа бажарилганлиги ҳақида маълум қилди ва менга пакет топширди. Пакетни очиб кўрсам унда гарнизонлардан бирининг бошлиғи ёзган ҳат бор экан. Бу ўртоқ танкчиларни чин юракдан табриклаб Лавриненко ва унинг экипажи буюк жасорат кўрсатганлигини ёзибди. Улар йўлда фашист автомашиналари ва тўплари колоннасини пойлаб туриб унга ҳужум қилишибди ва колоннани яксон этишибди.

Мен қаҳрамонни мақтаб унинг қўлини маҳкам сиқдим. Лавриненко бўлса қизариб кулимсирарди. Ҳеч қандай мардлик қилганим йўқ, менинг ўрнимда бўлган ҳамма одам шундай иш тутарди, дерди у.

Дима Лавриненкомиз Волоколамск яқинида урушнинг биринчи қишида ҳалок бўлди. У бор-йўғи беш ой жанг қилди. Лекин ана шу вақт ичида 52 фашист танкини — бутун бошли танк батальонини яксон қилди.

Бошқа жуда кўп қаҳрамонларимизнинг номини ҳам айтиб ўтишим мумкин. Улар генерал Панфиловнинг шонли пиёда қўшинлари ва генерал Доваторнинг отлиқ аскарлари билан ёнма-ён туриб Москва остоналарини мардона мудофаа қилдилар. Худди ана шу вақтда бўлинмалар бўйлаб «Гвардиячилар ҳимоя қилаётган жойдан душман ўтолмайди» деган маъжозий гап тарқалган эди. Ҳақиқатан ҳам гвардиячилар орасидан душман ўтолмади. Барча қўшин турлари жангчиларининг бирга қилган ҳаракати туфайли фашистлар тўхтатибгина қолинмай, пойтахтимиздан анча узоққа улоқтириб ташланди.

* * *

Ўтган урушда мен қўмондонлик қилган танк қисмлари тарихидан айрим воқеаларнигина эслатиб ўтаётганлигим учун ўқувчи мени кечирсин. Мақоланинг ҳажми бошқача йўл тутишимга имкон бермайди.

Курск жанги кунлари... 1943 йил июль ойининг бошларида бу жанг арафасида бизнинг гвардиячи танк армиямиз Обояни районида турар эди. Душман бу ерда катта ҳужумга ўтишни мўлжаллаётган эди. Биз душман зарбаларини бартараф қилишга, уни ҳолсизлантириб, сўнгра ўзимиз олға боришга тайёр эдик. Маълумки, фронтлар ва Ставка томонидан ишлаб чиқилган план аъло даражада амалга оширилди. Бундай қараганда бу иш осонгина бўлгандек туюлади. Бироқ дастлабки вақтларда душманни тўхтатиш жуда-жуда оғир эди.

Бизнинг пиёда қўшинларимиз ва артиллериячиларимиз, саперлар, учувчилар ва танкчиларимиз ҳарбий ишни маҳорат билан эгаллаганликларини, Ватанга чексиз содиқликларини исботладилар.

Лейтенант Георгий Бессарабов ўз танкининг ўқи билан биринчи жангда учта «йўлбарс»ни яксон қилди. Булар жуда қудратли, бунинг устига янги машиналар эди. «Йўлбарс»ларни ҳам сафдан чиқариш мумкин эканлиги ҳақида жангчиларимизда тезроқ ишонч ҳосил қилдириш лозим эди. Бессарабов сингари қаҳрамонлар ана шундай қилдилар.

Ўша вақтда старший лейтенант Владимир Бочковскийнинг номи ҳам армиямизда машҳур бўлиб қолган эди. У жангчилари ўзига ўхшаган ротага командирлик қиларди. Яковлево қишлоғи яқинида Бочковский ўз ротаси билан гитлерчиларни эрта тонгдан қош қорайгунча тўхтатиб турди. Душман сон-саноқсиз ҳужумлар қилди. Биргина машинадан ташқари ҳамма машиналаримиз сафдан чиқди. Бу машинада Бочковский бир неча жангчилар билан қисм жойлашган ерга қайтиб келди. Жангчилар жуда ҳам чарчашган эди. Уларга ейиш учун овқат келтириб қўйишганда улар тоғорачаларни нари суриб қўйишди. Шундай жанг бўлган эдики, овқатланишга ҳам мажол қолмаган эди.

Бочковский ротасидагилар жуда ҳам ёш йигитлар эди. Москвалик оғайнилар — Вальдемар Шаландин ва Юрий Соколовлар 18 ёшга кирган эдилар. Улар ҳаётларидаги ўша биринчи жангнинг ўзида ҳалок бўлдилар. Бочковскийнинг ўзи эндигина 20 ёшга чиққан эди. Ёр ёшлар-ку, дейиши мумкин эди бошқа скептиклар бўлганда. Лекин биз ишонар эдик, комсомол, Коммунистик партия тарбиялаган бу ёш, бироқ коммунистлар руҳи билан чиниққан ана шу ёшлар юзимизни ерга қаратмаслигига ишонардик.

Совет Армияси душманни қисиб бора бошлади. Орёл ва Белгород устида яна қизил байроқ ҳилпиради. Янгидан эшитилган завод гудоклари билан Харьков ишчилари халоскор жангчиларни табрикладилар. Тезда қадимий Киев ҳам озодликка чиқди. Армиямиз душманни Совет мамлакати чегараларидан ҳайдаб чиқарди.

* * *

Фронтнинг орқа томонидагиларга қойил қолиш керак. Дала ва корхоналар меҳнаткашлари, аёл солдатлар, ўсмирлар тўйиб овқат емас, тўйиб ухламас эдилар, ҳалок бўлганларга кўнюр ва тирик қолган жангчилар учун қайғуришарди. Фронт орқасида куч етишмасди. Лекин ҳамма партия талаб қилган шиор — «Ҳамма нарса фронт учун, ҳамма нарса ғалаба учун» шиори асосида бутун кучни бериб ишларди.

Биз ҳаракатдаги армияда туриб ана шу «Ҳамма нарса»нинг нақадар салмоқлилигини ҳис қилардик. Маълум бўлган фактларни санаб ўтирмайман. Биргина факт устида тўхтайман: урушнинг кейинги уч йили ичида фронт ҳар кунн ўрта ҳисобда ўнлаб танк ва ўзиюрар артиллерия установкалари олиб турди. Олганда ҳам қанақаларини денг!

* * *

Ниҳоят, қирқ бешинчи йилнинг 9 майи ҳам келди...

Бу ғалаба байрами бўлган кун эди. Миллионлаб жангчилар қатори мен ҳам ўша ғайри-табиий куннинг ҳамма ижир-чикирларини ўз хотирамда сақлайман. Худди яқиндагина бўлганга ўхшайди: жангчиларимизнинг бир-бирларини осмонга иргитишлари, шундай завқланиб, қувонч билан рус рақсига тушганликларини кўз олдимдан ўтказаман.

Ветеранлар энди ёш эмас. Айримлари запасда ва армиядагидек тиришиб халқ хўжалигида меҳнат қилишмоқда. Бошқалари армияда қолишган, олтмишинчи йилларнинг жангчиларини жанг маҳоратига ўргатишмоқда.

Яқинда менинг ҳузуримга кўкрагида Олтин юлдузчаси бўлган келишган полковник кириб келди.

— Танидингизми?

— Бочковскиймисиз?

— Володя Бочковскийнинг худди ўзи бўламан!

Шундан сўнг бир оз вақт ўтди. Энди Бочковский — генерал. Жангчи солдатларга ҳикоя қилиб берса арзигулик гаплари кўп. Бу солдатларнинг ёши Бочковскийнинг уруш вақтидаги ёшига тенг.

* * *

Кекса танкчилар ҳам, ёш танкчилар ҳам муносиб хизмат қилмоқдалар. Техника эса ўтган урушда қўллангандагига қараганда тақ-қослаб бўлмас даражада такомиллашди. Танкларимизнинг ўт очиш қудрати ўсди, бронясн аввалгидагидан кўра экипажни ўқ, осколка, снаряд ва бомбалардан яхшироқ сақлайдиган бўлди.

Халқимиз Ленин партияси раҳбарлигида Қуролли Кучлар ҳақида ҳамиша қайғуради. Улар составида жуда яхши жиҳозланган ва тайёр турган қудратли танк қўшинлари ҳам бор. Барча совет жангчилари билан бирга танкчиларимиз Ватаннинг тинч меҳнатини ишонч билан сақламоқда.

(АПН).

ТЎСИҚЛАРНИ ЕНГИБ

Механик Александр Жаровский уста ҳайдовчи номини олиш учун танкодромга биринчи бор йўл олганини ҳали ҳам эслайди. Имтиҳон топширишга кетаётган Жаровскийга бирга хизмат қилаётган дўстлари омад тилайдилар. Унинг кайфияти жойида. Ўзига ишонган ҳолда танкка ўтиради. Итоаткор машина минут сайин тезликни ошираборади. Сержант танкка қарши кавланган чуқурдан қандай ўтиш, тезликни пасайтириб, дастлабки тўсиқни енгиб ўтиш йўлларини фикрида пишириб қўйган эди. Шунинг учун ҳам бошда қийналмади. Комиссия аъзолари маҳоратимга қойил қолишаётгандир, деб ҳаёлидан ўтказади.

Мана, биринчи эскарп. Биринчи передачага ўтиш вақти етди. Бирдан унинг юзида совуқ тер томчилари пайдо бўлди. Жаровский ҳали нима ҳодиса рўй берганини англамасданоқ, кутилмаган бахтсизлик юз берди. Олган биринчи тезлиги ўрнига иккинчи тезлик уланди. Ричаг ўзича ўнг тарафга сурилиб кетди. Чуқурга тиқилган танк тўхтаб, двигатель овоз чиқармай қолди.

Александр ер ёрилмади-ку, ерга кирмади. Шундагина у машинасини олдиндан яхшилаб кўздан кечириб қўйжаганига пушаймон қилди. «Сендан танкчи эмас, аравакаш ҳам чиқмайди» койирди ўзини-ўзи.

Паркка қайтиши билан жанговар машина ичига шўнгиб кетди. Аччиқ сабоқдан олдин у бунчалик жон-жаҳди билан техникага «ёпишмаган» эди. Машинанинг барча агрегат ва механизмларини пухта ўргангач:

— Мана энди танкодромга борса бўлади, — деган хулосага келди.

Жаровский имтиҳон комиссиясининг олдига келиб, навбатдаги синовга тайёр эканлигини айтди.

Баҳор ойлари эди. Емгир тинмай ёғар, ҳаммаёқ лойгарчилик. Бундай об-ҳаво шароитида машинани бошқаришнинг ўзи бўлмайди. Лекин сержант ўзига ишонарди. Чунки ўтган ойлар, тинимсиз машқлар унда ўзига ишонч руҳини сингдириб юборган эди.

— Рухсат беринг, биринчи машинага ўтирсам, — илтимос қилди комиссия аъзоларидан.

Ҳарбий машина бир зумда тебраниб, шиддат билан олга интилди. Жаровский яна ўша машина ричагини ушлаб борар, яна ўша йўлларидан ўтарди. Аммо ўзи аввалги Жаровский эмас эди.

Эскарпга яқинлашганда сержант энг юқори тезликдан пасткисига ўтади. Танк хартумини чўзган ҳолда наъра тортиб, қиялиққа эмаклай бошлайди. Иккинчи тўсиқда бурилишлар жуда кўп эди. У йўлга қўйилган тўсиқларнинг биронтасини ағдариб юбормасдан катта тезлик билан ўтиши керак эди. Машина приборлари кўприкнинг энг қийин контроль тўсиқнинг яқинлашиб қолганини кўрсатди.

Мана, финишга ҳам омон-эсон етиб келди. Александр двигателни ўчириб, танкдан тушди.

— Жуда яхши, ҳаммадан олдин келдингиз, — дейди офицер Жаровскийга. — Барча тўсиқлардан тўғри ўтдингиз. Эътирозимиз йўқ.

Муваффақиятдан мамнун бўлган танкчи ўз машинаси томон юрабошлайди. Совуқ ёмғир томчилари қизариб кетган чеҳрасини ювар, оёғи остидаги лой пилчилларди. Лекин Жаровский ҳеч нарсани писанд қилмас, дадил одим ташларди. Унинг эзгу орзуси ушалганди.

Ҳарбий ҳизмат муддати ҳам тугади. Лекин ўз касбини жон-дилидан севган Жаровский муддатдан ташқари ҳизматда қолди. Йиллаб қунт бидан ўз устида ишлаган моҳир танкчига старшина унвони берилди. Ҳозир у тўплаган тажриба ва билимларини мароқ билан ёш танкчиларга ўргатмоқда.

Старшина Жаровский ҳизмат қилаётган бўлинмада турли миллат жангчилари, украиннлар ва ўзбеклар, тожиклар ва белоруслар бор. Улар ягона мақсад — мамлакатимиз чегараларини ҳушёрлик билан қўриқлаш йўлида фидокорлик кўрсатмоқдалар.

Ф. ЛОБЗИН

НАВОДКАЧИ

Кишининг одоб-икроми меҳнатда, муомалада ва юрйш-туришда билинади. Ғолибни моҳир отуьчи ҳамда айни чоқда ҳамдард ошна, яқин маслаҳатчи бўлгани учун қисмдагиларнинг ҳаммаси севади, ҳурмат қилади. Камтарин, ўз ишининг устаси бўлган Ғолиб навбатдаги машқда ҳам ўзини кўрсатди. Юқори тезликда кетаётган танкдан отилган снарядлар мўлжалга аниқ тегди.

— Қойил, Ғолиб, — табриклайди машқни кузатиб турган офицер. — Ўқлар хато кетмади.

Бундай мақтовларни у бир эмас, бир неча бор эшитган. Аммо Ғолиб мақтовларга мағрурланмайди, доимо машқларга пухта тайёргарлик кўради.

— Мўлжални нишонга олдингми, ундан кўзингни узма. Шундагина аниқ уришинг мумкин, — маслаҳат беради дўстларига у.

Гапи билан иши бир комсомол аъзоси Ғолиб Қосимов ва унинг дўстларига ҳарбий техникани маҳорат билан ўзлаштиришда яқиндан-янги муваффақиятлар тилаймиз.

А. Асанов фотоси.

ТОҒ ЭТАКЛАРИДА

Руминиянинг Ясси шаҳрини озод қилиб, Будапештга қараб кетаяпмиз. Бу ҳаракатимизда румин солдатлари катта ёрдам қилаётган эдилар. Бироқ мудофаага ўтган немислар энг яхши позицияларни эгаллаб олгач, тоғлар орасидан, адрлардан тўсатдан ҳужумга ўтиб, бизни орқага чекинтирмоқчи бўлардилар.

Нима қилиш керак? Танкларни, ҳеч бўлмаса экипаж аъзоларини яшириш учун на окоп ва на траншея қазиб бўларди, ҳамма ёқ тош-метин. Бунинг устига «рама» учиб келиб, қаерга ўт очаш керакligини билиб кетди, бирзум ўтмай «миссершмидт»лар кетма-кет ўққа тутди.

— Мен «Орёл» ман, мен «Орёл»ман, самолётларга қарши йирик калибрли пулеметлардан ўт очилсин! — Бу танк бригадаси командири Шамардиннинг командаси эди. Танк радистларини батальон командири билан алоқа боғлаш учун қолдириб, бошқа экипаж аъзолари билан бирга танкларга ўрнаштирилган ва эҳтиётдан олинган пулеметлардан «Юнкерс»ларга ўт оча бошладик. Самолётлар танкларга яқин келганда тумшуғини пасайтириб, ўт очарди. Мўлжаллай олмагач, яна юқорига кўтарилиб, узоқлашар ва тепадан бомба ташлар эди.

3-рота командири капитан Генералов рациядан немисларнинг сирини билиб олди: «...Тезда бомбардимончи самолёт юборинглар, совет танкчиларини котлованга қамадик, тез юборинглар, агар 15 минут, ёки ярим соатдан сўнг етиб келмасангиз улар ҳужумга ўтади. «Юнкерс»ларда бомба ҳам, ўқ ҳам йўқ экан, қуруқ ўқ қилаётирлар, тез юборинглар».

Генералов Шамардинга бу ҳақда хабар қилгандан кейин яна радио сигнали эшитилди.

— Мен «Орёл»ман, «мен «Орёл»ман 333!— 333!— 333! Бу «ҳамма, ҳужумга», ҳамма, ҳужумга» деган буйруқ эди.

Танк батальони кучи тўрт томонга баравар бўлди: бизнинг взвод танклари олга — котлованда бизни чиқармаслик учун қўйилган немис танкчиларига қарши ҳужумга ўтди. Соатига 40—45 километр тезликда бориб, тенгсиз немис танкларига дуч келдик. Немисларда 20 — 25 танк, бизда 5 тагина эди. Бунинг устига улар биздан анча тепада, биз эса жуда пастда эдик.

Пудинов экипажи немис танкларининг чап бўқинига, қолганларимиз ўнг бўқинига қараб юра бошладик. Биз пастликдан бориб, танкимиз замбараклари худди немис танкларининг киндигини поччаги ёнида давом этдик.

Немис танкчилари гафлатда қолиб, бизга ўқ отмай ўзларига яқин келтирмоқчи бўлганлар-у, бизларни бундай қулай ўрнашиб, қолишимизни ҳаёлига келтирмаган эдилар.

Гришанов экипажи фурсатни қўлдан бермай ўртадаги икки танкка ўт очди. 40 сантиметр бронали немис танки ёнга бошлади. Қолган экипаж аъзолари ҳам ўт очиб, котлован зўравонларини қочишга мажбур қилдик. Яна 3 та машинаси аланга олди. Немис машиналари бизнинг танкларимиз сони оллигини кўрабила туриб ўт очмас эдилар, сабабини билдик, снарядларимиз тамом бўлиб қолган экан. Бу сирни ҳам таржимонларимиз немис радиосидан билиб олдилар. Шундан кейин «Орёл» яна команда берди: «555—555—555». Бу — немис танкларини орқасидан қувлаб йўлга тушинглар, ёндиринглар! — деган сўз эди. Қувладик, улар соатига 40 километрдан ортиқ юролмас эди. Биз тезликни ошириб, яна 3 немис машинасини ёндирдик. Қолган немис танклари ва уларнинг экипажлари таслим бўлишга мажбур бўлдилар.

Асларни танк десантчиларига топшириб йўлда давом этдик.

Р. ИСҲОҚОВ.

Тошкентда Душанба куни

ДЎСТЛИК ТАРОНАЛАРИ

Тожикистонлик биродарларимиз Тошкентга келган куни Пушкин паркида концерт бердилар. Суратда: Тожикистон ССР-да хизмат кўрсатган артистка Муслима Боқиева саҳнада.

А. Абалян фотоси.

ТОЖИК РАССОМЛАРИ АСАРЛАРИ

Пушкин номли паркда «Душанба куни» муносабати билан виставка очилди. Виставкада Тожикистон рассомларининг 100 га яқин тасвирий санъат ва графика асарлари намойиш қилинмоқда. Улар орасида Тожикистон ССР да хизмат кўрсатган санъат арбоби М. Хошмуҳамедовнинг «Тоғли қишлоқ», «Баҳор» полотноси ва А. Раҳимовнинг «Кашта тикувчи қиз» картинаси диққатга сазовордир. Рассом Брукманнинг «Проходкачи Қаюмов» асарида Нурак ГЭСи қурувчиларининг типик образи яққол кўрсатиб берилган.

Виставканинг графика бўлимида Б. Серебрянскийнинг «Сувчи», «Кумуш тонг» картиналари ва бир неча линогравюралар қўйилган. Театр рассомлари М. Шемулин ва М. Мухиннинг бир неча спектакллар учун тайёрлаган декорациялари ҳам томошабин диққатини ўзига тортади.

Виставка санъат муҳлислари томонидан яхши кутиб олинди.

МЕҲМОНЛАР ЯДРО ФИЗИКАСИ ИНСТИТУТИДА

Тошкентда меҳмон бўлиб турган қардош Тожикистон пойтахти вакилларининг бир группаси кеча Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг ядро физикаси институтида бўлдилар. Уларни институт раҳбарлари ва илмий ходимлари қизғин кутиб олишди. Институт директори ўртоқ С. Азимов тожикистонлик меҳмонларга бу ерда атом энергиясидан тинч мақсадларда фойдаланиш соҳасида олиб борилаётган илмий ишлар ҳақида сўзлаб берди.

Меҳмонлар куннинг иккинчи ярмида медицина институти, республика ёзувчилар союзи, Ўзбекистон композиторлар союзи, «Таштекстильмаш» заводи ва «Қизил тонг» фабрикасида бўлдилар.

* * *

Кечқурун эса тожикистонлик меҳмонлар Тошкент шаҳар ижроия комитети раҳбарлари, маданият ва санъат ходимлари, жамоатчилик вакиллари билан учрашдилар.

ХУШ ОМАДЕД-ХУШ КЕЛДИНГИЗ

(Ширу шакар муҳаммаси)

Марҳабо, эй дўстони меҳрубон хуш омадед,
Меҳратон дар мағзи чон, дар мағзи чон хуш омадед.
Аз диёри босафси точикон хуш омадед,
Бар гулистони фараҳбахши замон хуш омадед,
Ҳар қадам болои дида, дўстон хуш омадед,
Дўстлик зўр қалъадир, ки унда инсон тинч яшар,
Дўстликнинг қудратидан ўлкамиз равнақ топар.
Шул туфайли қўлга киргай янгидан янги зафар,
Дўстнинг ҳар бир ютуғи дўстни шодон этар.
Ишларингиздан бугун биз шодмон, хуш келдингиз,
Булбулони як гулистонанд Мирзаю Ғафур,
Зеби як саҳна шуда ин чо Муҳаммадчон-Шунур,
Ҳар ду Лутфй ҳам ба як дил завқ бахшанду ҳузур,
Чуни Мукаррам Тўҳфаю Шоиста меорад сурур,
Шоирону мутрибону ҳофизон хуш омадед,
Тошкент—Душанбе шаҳри бир тугишган-эгизан,
Бахт боғи ичра усган икки мева бир палак
Бир бирин ўхшашлиги бермоддадир бундан дарак,
Ҳуснига қўшмода дўстлар янгидан янги безан,
Таърифига Васфий куйлар достон, хуш келибсиз.

М. ВАСФИЙ.

ДЎСТЛИК ЮРАГИ БИЛАН

«ДУШАНБА КУНИ» ИШТИРОКЧИЛАРИГА

Қардошлик тарихимиз дўстлик ипакларидай,
Помир чўққиларигача жуда чўзилиб кетган.
Тонг чоғи елларидай эркалаган дил сўзи,
Бизлардан салом бўлиб сизларга доим етган.
Юракнинг томиридан қон йўллари айланиб,
Ўзбек, тожик жонини туташтиргани яхши.
Ота-боболаримиз Рўдакий, Навоийлар
Шеърият чаманида бир умр ҳайкал, нақши.
Сиз келасиз, биз борib Тожикистон бағрида —
Москва нафасини олган каби бўламиз.
Дўстликнинг гулзорида булбуллар сайрагандай.
Асл хушхонлар билан завқу- шавққа тўламиз.
Тўфахоннинг камоли, Ҳанифанинг жамоли,
Худди Ҳалима каби ўзбекка берар ором.
Сизларни бахт боғида авайлаб ва эркалаб —
Ўстирган тожикларга, Ўзбекистондан салом!
Каттакон сафарларда дўстлик туйғуси билан,
Саҳнада парвоз қилган Лутфихон гўзал, барно.
Мукаррам нозларидай енгил қўчар ишваси,
Қанот ёзар қуш каби саҳнамизда таманно.
Қардошлик тарихимиз дўстлик ипакларидай,
Помир чўққиларигача жуда чўзилиб кетган.
Тонг чоғи елларидай эркалаган дил сўзи,
Бизлардан салом бўлиб сизларга доим етган.

Юсуфжон ҲАМДАМ.

ЖАМОАТЧИЛИКНИ ЖАЛБ ҚИЛИШ КЕРАК

Яқинда Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг катта зали пойтахтнинг барча район омонат кассалари ходимлари билан гавжум бўлди. Улар бу ерга саккиз ойлик иш якунларини муҳокама қилиш учун тўпланишди.

Пойтахт омонат кассаларининг саккиз ойлик фаолияти ва тўртинчи квартал вазифалари ҳақида шаҳар давлат меҳнат омонат кассалари ва давлат кредити бошқармасининг бошлиғи А. Соатов доклад қилди. У коммунистик меҳнат зарбдори номини олган контролер Петросова (Ленин райони) ва коммунистик меҳнат коллективи номини олган 14/0232 омонат кассанинг (мудири Зидряшко, кассири Кокозили ўртоқлар) ойлик ва квартал планларини мунтазам бажариб келаётганликларини мамнуният билан гапириб ўтди.

— Ютуқларимиз қаторида, — дейди нотиқ, — камчиликлар ҳам йўқ эмас. Масалан, Куйбишев, Киров ва Октябрь районининг омонат касса ходимлари меҳнаткашлар ўртасида яхши ишламаяптилар. Шунинг учун ҳам ойлик, квартал ва йиллик план бажарилмай қолмоқда.

Давлат маблағларини муҳофаза қилиш ҳақида шаҳар партия-давлат контроль комитетининг ранси ўртоқ М. Толипов нутқ сўзлади.

Йиғилишда сўзлаган бошқа ўртоқлар омонат кассалар ишини яхшилаш учун кенг жамоатчиликни жалб қилиш лозимлигини уқтириб ўтдилар.

Я. САЛИМОВ.

ҚАРДОШ ХАЛҚЛАР АДАБИЁТИДАН

Байрам ҚУРБОНОВ.

Кимже оғанинг қайчиси

(Ҳикоя)

Август ойининг охирлари. Капетдаг ён бағирларидаги қирлар жозибасиз, ғамгин. Гиёҳлар ёзнинг жазирама иссиғидан жизғанак бўлиб кетган. Шамол борган сари тез-тез қўзғалиб, худди дев нафасидан чиққан бўрондек чанг-тўпонини қўтаради.

Ана шу кезларда чўпонларнинг узоқ-узоқлардаги қўшларида қўйларнинг жуни олинади. Эндигина тонг ёриши биланоқ қўй подалари баланд пахса айвонли қўрага келтирилади.

Ҳовлидагиларнинг ҳаммаси ҳаракатда, ҳамма ёқда шовқин-сурон. Қўйлар борган сари бурчакка тиқилишади. Пода турган жой билан жун қирқиш бораётган майдонча ўртасидаги тор йўлда пода боши-серкалар қўрқмай, гердайиб, шохларини кўз-кўз қилиб юришади, бир-бирларининг ёнига бориб, соқолларини силкитиб қўйишади.

Иш жуда қизғин, Қир шамолидан қорайган юзлар тердан ялтиллайди. Тер кўзларга тушиб ачиштиради, уни артишга ҳам вақт йўқ — қўйларнинг кети узилмайди. Жуни кирқилиб хунук бўлиб қолган қўйларни эндигина дарвозадан чиқариш биланоқ, юз-юзлаб янгиси кириб келади. Қисқагина шона-шона ёйилган тушки овқатдан кейин ҳам, эртага ҳам, индинга ҳам.. мана шундай бўлаверади... Чунки кузги жун қирқиш иши яқиндагина бошланган...

* * *

Кимже оға билан шу уятсиз бола ўртасидаги бундай гап-сўз кўкламдаёқ бошланган эди. Ўшанда ҳам иккиси ҳозиргидек Уч-Кумусда бирга ишлашарди. Бир куни райондан электр қайчи учун мотор келтирилди. Бу дастлабки мотор эди. Кимже оға машина ҳақида ўйлашни ҳам истамади, у колхозга ўткир қайчи билан моҳир қўлларнинг афзаллигини кўрсатиб қўйди. Беғли ҳам эпчил, матонатли йигит. Лекин унга Кимже оға билан беллашиш албатта, қийин. Шунинг учун ҳам баҳорда у биринчи бўлиб, машинкага ёпишиб олди, механизациянинг фойдаси ҳақида ,ҳаммадан кўп жар солди. Шунда Кимже оға:— Бе, машинкадан фақат шовқин, тарақа-туруқ кўпаяди. қирдан қочиб кетишга ҳам розн бўласан киши.— Темир жунни қирқмайди, чайнайди. қўйни ҳам яродор қилади. Шу ҳам иш бўлибдими! Ғурбатдан бошқа ҳеч нарса эмас,— дерди.

Шу баҳор Беғли кўп қийналди. Бир неча бор рухан эзилди. Катталардан сўкиш эшитди:— бири жунини тоза олмабсан деса, иккинчиси терисини кесибсан— дурust қилмабсан, деб койиди. Машинка ҳадеб бузилаверади, механик келиб жанжал кўтаради...

Шунда Кимже оға «Ҳай, Беғли, сенга яна қаттиқ жунли қўй тўғри келиб қолди шекилли-а? — деб кулги қилади. — Тавба, атайлаб шунақасини танлаб бериб, сен бояқишни қизартиришяпти, — дейман. Уни қара, тўнкага ўхшатиб қўйибсан-ку! Энди тузалмайди. Қурт тушса қўй ўлди деябер. Йўқ иним, машинканг товуқнинг патини юлишга дурust экан.

Кимже кибр билан ўзининг ўткир учли қайчисини баланд кўтарди. У худди душманга ҳамла қилиш учун тайёр турган найзабоз жангчини эслатарди. Йигит қийналиб, ҳали бир қўйни олгани йўқ. Кимже оға иккитасини осонгина қайчидан ўтказди.

Боғловчи чол ҳам Беғлига ҳужум қилиб қолди:

— Бу дейман, машинка ҳаваскорларига қанақа қўйни келтирсанг ҳам, албатта, жуни қаттиқ экан дейишади, — кулимсираб қўйди у. — Ёки қаттиқ жунли қўйлар учун бошқа асбоб кашф этиш керакмикин? Бу машинка эса юмшоқ жунга ҳам зўрга чидаш беряпти.

Бир гал, баҳор оқшомларидан бирида боғловчи чол Кимже оғадан бир вақтлар ўз бошидан кечирган унутилмас воқеани ҳикоя қилиб беришни илтимос қилди. Буни кексалар бир эмас, бир неча бор эшитишган. «Беғли сингари ёшлар ҳам эшитиб қўйса ёмон бўлмайди», — деб ўйлади ўзича чол.

Кимже оға бироз сукут қилди, кейин пиёладаги аччиқ чойдан бир хўплаб, шошмасдан, улуғворлик билан сўз бошлади.

— Бу воқеага жуда кўп вақт бўлди, йигитлар. Баъзан шу ишни наҳотки мен қилган бўлсам, деб ўйлаб қўяман. У кезлар худди Беғлимиздек навқирон пайтим эди. Биз подадаги барча қўйларнинг жунини қирқиб бўлгач, мен унга қайтдим. Туя миниб олганман денг. Бир вақт Қизил-Гезега етдим. Қарасам пастликдаги қудуқ олдида чўпонлар қўй жунини қирқишяпти.

Демак, ҳали иш битмаган. Қўй подасининг хўжайини — бой ҳам шу ерда экан. У мендан қаердан, қаёққа кетаётганимни сўради. «Мен ҳам қўйларнинг жунини олдим, ишим тугади, уйга кетяпман», — деб жавоб қилдим. «Демак, жун қирқишга чаққон экансанда, бизнинг қўйларимизнинг ярмиси ҳали пўстинда юрибди». — Кейин у бир кунда нечта қўйнинг жунини олишимни сўради. «Агар ялқовлик қилмасам кайфиятим яхши бўлса, ўттиз ҳатто ўттиз бештасини қайчидан ўтказаман», — дедим. Атрофимни одамлар қуршаб олган эди. Бирови ишонқирамай кулди, бошқаси мени, маҳтанчоққа чиқариб масхара қилди. Яна бой гап қотди: — «Ҳой, яхши йигит, биз гапингнинг рост ёки ёлғонлигини синаб кўришни истаймиз». Кейин бир шарт айтди: мен ўттизта қўйнинг жунини ололсам у шу яқинда ўтлаб юрган зотдор туя берадиган бўлди, агар улгурмасам — менинг туямни олиб қоладиган бўлди. Кейин «розимисан?» — деб сўради бой менга тикилиб.

Шу ерга келганда Кимже ога худди ҳақиқий эртакчилардек тўхтади. Бундан бир қанча йил муқаддам бой қўйган шартни ўйлаб олиш учун тингловчиларга фурсат берди. Кейин яна давом этди.

Мен бойга ҳеч нима жавоб қилмадим. Қоқдан қайчимни олдим-у, қандай қилиб эгардан сакраб тушганимни билмайман. Одамлар. «Ҳой, йигит тептаклик қилма, яёв кетишингга тўғри келади», — деб бақиришарди. Қизишиб кетганимдан уларнинг гапи қулоғимга ҳам кирмайди. Енгимни шимариб, поданинг боғловчилар ишлаётган томонидан кирдим-да, яқинроқ турган қўйни қайчи остига олдим. Қайчи тиғларини узунасига солиб, «ширт-ширт» қирқа бошладим. Жун луқа-луқа бўлиб тушади денг. Қўйнинг жуни олинган жой эса ойнадай топ-тоза бўлиб қолади. Ичимда. «Эй бой, сенга ёлғон бўлса, менга — чин деб қўяман-да, ўзим ишни тирноқча ҳам бўшаштирмайман. Сув бўлиб кетдим. Енгим билан теримни артаман. Қўйларни эса, кетма-кет ялангочлаб турибман. Бармоқларим бўртиб кетди, лекин киши жаҳли чиққанда дам олишни ўйламас экан. Эсламай десам ҳам, гоҳ-гоҳида бойнинг шарти кўз олдимга келиб қолади. Яккаю-ягона туядан ажралиб қолмасам-а, деб ўйлайман. Шундай қилиб қўйларни ётқизаверибман, ётқизаверибман! Бир маҳал қуёш Копетдаг чўққисига ўтирганда бундай санасам, қирқ бешта қўйнинг пўстини ечиб қўйибман. «Хўжайин, энди бўлар!» — дедимда, қайчини қопга солдим.

Чўпонлар қорнимни тўйгизишди. чой билан меҳмон қилишди. Бой, ноилож бир одамни юборib, туясини келтирди, унинг бошбоғини қўлимга тутқазди.

Кимже оға ўз ҳикоясини тугатиб, ястуққа суянди-да, ўртоқларига кўз югуртирди. Орага сукут чўкди, баъзилар тамаки чекиб ўзам олишди. Боғловчи чол бу воқеани ўзича тушунтириб беришга шошилди.

— Илгарилари қандай ишлар қилинганини кўрдингми, Беғли? Сен бўлсанг электр, электр деб юрибсан. У пайтда қирда электр деган гап мутлақо йўқ эди. Лекин яхши одамлар машинкадан камроқ жун қирқмасди. Хатто бахс бойлашиб туягача ютиб олишарди. Шундай йигитча.

Бу гаплар Беғлининг тоқатини тоқ қилган бўлса ҳам, у ўша пайтда Кимже оғага арзирли жавоб беролмаган эди. Беғли бизнинг кўчада ҳам байрам бўладиган пайт келади, деб ўзини ишонтирган ҳолда жим ўтирган эди.

* * *

Кузги жун қирқиш яқинлашган эди. Чўпонлар орасида жунни яхши қирқадиган, янги машиналар келтирилармуш. Беғлига ўхшаб бошқа кишилар ҳам машинкани ишлатишни ўрганиб олишганмиш — деган овоза тарқалиб қолди. Аммо Кимже оға бунақа гапларга эътибор бермади. Бундай гаплар ўтган баҳорда ҳам кам бўлмаган. Машинка ҳақидаги дабдабали сўз бошқа-ю кучли қўл билан содиқ қайчи бутунлай бошқа нарса!

Жун қирқиш арафаси кечқурун ҳамма ухлашга ётганда, чўпонлардан бирови Кимже оғанинг секингина ташқарига чиққанини ва ой нурида қайчи чархлаганини сезиб қолибди. Унинг иккита жуда яхши қайчиси бор эди. Оға уларни устарадек ўткир қилиб чархлабди.

«Мусобақалашганим бўлсин, — деди Кимже оға қатъий равишда, — қўй жунини қирқишга ким ваққону, қайси усул колхозга фойдалироқ эканини билиб қўйишсин. Кейин умумий мажлисда ҳам, идорада ҳам гапирашаверсин!» Кўнглида Беғлини эмас, анави моторагрегатни мусобақага чақирди.

У эрталаб юпқа наматдан ясалган қиндан қайчисини чиқарди-да одатдагидек, шошмасдан ишга тушиб кетди. Беғли унинг ёнгинасида ишлаётган эди. Тажрибали Кимже бир қарашдаёқ йигитнинг баҳордагига нисбатан бутунлай бошқача ишлаётганини пайқади... Беғлининг машинкаси аллақачон бир қўйнинг жунини олиб бўлди. Тозаланган қўй силкиниб туриб кетди. Кимже эса, ҳали биттани олиб бўлгани йўқ.

Демак, бундан ҳам тезроқ ишлаш керак. Чол қайчисини кўздан кечирди, ёмон эмас. Худди устарадай ўткир. Бошқачароқ ўтириб кўрмоқчи бўлади. Қараса, шундай ҳам жуда қулай ўтирибди. Янада ғайрат билан ишлай бошлади. У учта қўй жунини олгунча Беғли бештасини қўлдан чиқарди. Иш чатоқ. Чол бармоқларини янада тезроқ қимирлатишга, қайчисини тез-тез очиб ёпишга уринади. У папирос ҳам чекмай қўйди. Ҳатто, юзидаги терни ҳам артмади.

Яқинда турган кишилар сўзлашишмоқда. Лекин нима ҳақда? — Кимже қулоқ ҳам солмайди. Беғли эса секин ҳиргойи қилади. У яна кимнидир кулги қиляпти. Тағин Кимже устидан кулаётган бўлмасин?!

Мағрур чол ҳеч нарсага эътибор қилмай қўйди. Унинг хаёли фақат бир нарса билан банд эди: — кейинда қолмаслик! Кейинда қолмаслик! Кейинда қолмаслик! Баҳорда Кимжени бир неча бор ютиб олган киши энди мана шу бўлмагур машинкадан орқада қолмаслиги керак! Қани, яна зўр берай-чи! У бироз ўрнидан туриб, елкаларини ростлади, енги билан пешона терини артди, камарини сиқиброқ боғлаб, гўё шунчаки кўзи тушгандай, яширича Беғлини кузатди. Беғли баҳорги Беғли эмас. Энди у аввалларидагидан бошқача ишларди. Қўйларнинг жуни текис олинар, йигит, ҳатто, унчалик тез ҳаракат ҳам қилмас, қийналмай енгилгина ишларди. Гўё унга бошқа, чаққон қўллар ясаб қўйилгандек эди.

Тушки овқатдан кейин Кимже оға ишга икки ҳисса ғайрат билан киришди. Биринчи дақиқаларда навбатдаги қўйни Беғлидан тезроқ қўйдан чиқаргандек туюлди. Лекин шу ондаёқ бу хаёли янглиш эканлигини ҳис этди.

Чол бир нарсада ўзидан ўпкалолмасди. — Бугун у бор ҳунарини ишга солди, куч-қувватини аямай меҳнат қилди. Узоқ йиллик умрида шу чоққача бугунгидек кўп жун қирқканини эслай олмайди. Кечки ҳисоб ҳаммасини кўрсатиб беради.

Чарчамас мотор ҳамон гувуллайди, узатувчи тасмалар шитирлайди. Қуёш эса аллақачоноқ Копетдаг чўққисига ёнбошлаган. Ҳорғинлик ишловчиларга ўз кучини кўрсатмоқда. Бойловчи чол Кимже оға олдига келди: — Бас қилинг энди! Мотор овози тинди. Овоз ўчиши биланоқ Кимженинг қўллари қотиб қолгандек бўлди. Шунда унинг бошига, бугун менга мотор ҳам Беғлидай ёрдам берди, — деган қизиқ фикр келди.

У охирги қўйни ечди-да, ўрнидан туриб қаддини ростлади. Кейин ҳамма эшитсин учун, баланд овоз билан гапирди:

— Ҳо, йигитлар, қирқ санкиза бўлди.

— Тўқсонта. Тўппа-тўғри тўқсонта. Кимже ога, — деди унинг ёнида турган Беғли ҳам шундай баланд овоз билан. Кейин оҳистагина жилмайиб қўшиб қўйди, — иккита туя ютқаздингиз!

Жун қирқишда Беғлига тенглашадиган ишчи бўлмади. Баъзиларнинг ҳисобида элликта қўй бўлса, янги эндигина иш бошлаганлар ўттизтадан қўй жунини олишга улгурган эдилар.

Ҳамманинг эътиборини Кимже оға тортди. Унинг жиддий кўзлари қимир этмай, Беғли Мередовга боқиб турарди. Ана у қайчисини баланд кўтарди ва кучининг борича ерга урди. Қайчи тиғлари ерга санчилди. Атрофдагилар қутилмаган бу ишдан чўчиб кетишди.

Кимже бироз хаёлланиб, қўлни чўзди-да, Беғлидан электр машинасини сўради. Бу Кимже оғанинг қўлининг илк марта машинкага тегиши эди. Кимже оға бир сўз айтмай машинкани кенг кафтига қўйди. худди тирик нарсадек, унинг метал бандларини силади. Кейин Беғлига узатди-да, шартта орқага айланиб, жўнаб қолди.

Эртаси кун ҳам жун қирқиш давом этди. Айвонда одамлар ишлашар ҳовлида серкалар юрар, қўйлар боғловчиларга тутқич бермаслик учун уринар, мотор бир текисда гувуллаб турарди. Ҳовлининг ўртасида эса. Кимже оғанинг ерга санчилиб ётган узун қайчиси кун бўйи кўриниб ётарди.

Туркманчадан М. Муродов таржимаси.

Мамлакатлар Одамлар Воқеалар

Куба революцион қуролли кучлар министрлигининг ахбороти

ГАВАНА, 6 сентябрь. (ТАСС). Куба революцион қуролли кучлар министрлиги қароқчилар мамлакатнинг ҳаво чегараларини яна бузганликлари тўғрисида ахборот эълон қилди .

Ахборотда кўрсатиладики, 4 сентябрь кечаси Кубадаги Лас-Вильяс вилоятининг территорияси устида нотаниш иккита самолет пайдо бўлди. Ҳарбий-ҳаво базасидан ана шу самолетларга қарата ўт очилгач, улар қочиб кетди.

Эртаси куни саҳар пайтида, соат тўртларга яқин худди ана шу районда иккита икки моторли самолетнинг учиб юргани яна пайқаб қолинди. Қароқчиларни артиллерия батареяларининг ўти қарши олди. Самолетлар қочиб қутилишга ҳаракат қилиб, палапартиш бомбалар ташлади. Ана шу ғвузларча қилинган ҳужум натижасида Санта-Клара шаҳрида ўқитувчи Фабрисио Агилар Норьега ҳалок бўлди, унинг уч боласи яродор бўлди.

Орадан бир неча минут ўтгач, Куба қуролли кучларининг пойлоқчи қирувчи самолетлари худди ана шу райондан иккита бошқа реактив самолетни ҳайдаб юборганлиги ҳам ахборотда таъкидланади.

«Ҳеч шубҳа йўқки,—деб кўрсатилади революцион қуролли кучлар министрлигининг ахборотида, — иғвогарлик мақсадидаги бу учишлар бир-бири билан чамбарчас боғланган бўлиб, реактив самолетлардан илгари учиб келган самолетларнинг жиноий ҳаракатларини ниқоблаш учун фойдаланилган.

Биз бу ҳаракатлар учун жавобгарликни Америка ҳукумати зиммасига қўямиз ва огоҳлантириб айтамизки, бундай ҳаракатларнинг такрорланиши жиддий можаоларга сабаб бўлиши мумкин, чунки Куба ҳукумати қароқчиларнинг халқимизга қарши қаратилган бу хилдаги ҳаракатларига тоқат қилиб тура олмайди».

РАДИЙАКТИВ ИЗОТОПЛАР ФАБРИКАСИ

ВАРШАВА, 6 сентябрь. (ТАСС). Варшава яқинида жойлашган Сверкдаги ядро тадқиқотлари институтига янги, 16-илмий тадқиқот объекти — радийактив изотоплар фабрикаси қўшилди. Польшада изотоплар ишлаб чиқариш атиги тўрт йил муқаддам, Совет Иттифоқи ёрдами билан қурилган «Ева» атом реактори ишга туширилганидан кейин ишлаб чиқарила бошланди. Польша саноати изотоплардан фойдаланиш туфайли бу йил 200 миллион злотий тежаб қолади. Фабрика медицина, саноат, қишлоқ хўжалиги эҳтиёжлари учун 120 номдан кўпроқ радийактив изотоплар ишлаб чиқаради.

Корея Меҳнат партияси Марказий Комитетининг пленуми ўз ишини тамомлади

ПХЕНЬЯН, 6 сентябрь. (ТАСС). Бу ерда Корея Меҳнат партияси Марказий Комитетининг VII пленуми ўз ишини тамомлади.

Пленум халқ хўжалигини ривожлантириш планини бажаришнинг 1963 йилги дастлабки якунлари ва халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 1964 йилги планини, шунингдек чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш тўғрисидаги масалани муҳокама қилди.

Пленумда Корея Меҳнат партияси Марказий Комитетининг раиси Ким Ир Сен нутқ сўзлади.

Пленум оғир саноатни ривожлантиришни давом эттириш ва халқ истеъмол буюмлари ишлаб чиқаришга эътиборни кучайтириш, яқин бир-икки йил ичида халқнинг турмушини кескин равишда яхшилаш ва халқ хўжалигини ривожлантиришнинг етти йиллик планини муваффақиятли бажариш вазифасини қўйди.

Пленум партиянинг барча аъзоларига партия Марказий Комитетининг хатини қабул қилди.

ЎЗАРО ИҚТИСОДИЙ ЕРДАМ КЕНГАШИ МАШИНАСОЗЛИК КОМИССИЯСИНИНГ МАЖЛИСИ

ПРАГА, 6 сентябрь. (ТАСС). Братиславада ўзаро иқтисодий ёрдам кенгаши машинасозлик доимий комиссиясининг мажлиси тамом бўлди.

ЧТК агентлигининг хабар беришича, мажлисда Ўзаро иқтисодий ёрдам кенгашининг қатнашчилари бўлган мамлакатларда кучсиз ток саноатини ривожлантириш истиқболини ҳисобга олган ҳолда шу саноат учун технология линиялари, комплект ускуналар ва ускуналарнинг айрим турларини ишлаб чиқаришга боғлиқ масалалар муҳокама қилинди.

Редактор М. ҚОРИЕВ

Реклама ва Эълонлар

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

8 СЕНТЯБРДА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

Ўзбек тилида: 11.00 — **Сотиб олинган туш** («Эртак кетидан эртак» циклидан телеинсценировка). 11.45—**Спорт эшиттириши**, 12.15—**Концерт** (ёшлар учун).

Рус тилида: 12.55 — **Марказий телестудиянинг сатирик журнали** (мактаб ўқувчилари учун), 13.45 — **Компаньерос** (киноновеллалар), 18.00 — **Буратино Ойга учади** (болалар учун қўғирчоқ фильми), 18.55 — **Телевизион янгиликлар**, 19.10 — **Совет таннчилари кунига бағишланган эшиттириш ва концерт**, 20.10 — **Бадиий фильм**.

21.35 — **Эртаси куни программаси**.

Ўзбек тилида: 21.40 — **Телевизион янгиликлар**, 22.00 — **Лирика кечаси**.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

18.00 дан — **Фрунзе телестудияси эшиттиришлари**.

ТЕАТР

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА — 8/IX да **Гамлет**.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 8/IX да **Тошболта ошиқ**.

КИНО

ҚИШКИ БИНОДА:

Онла тумори — «ВАТАН», «ИСКРА», «ЎЗБЕКИСТОН», «ВОСТОК» (кундуз ва кечқурун), НАВОИЙ номли (кеч соат 5, 6-50, 8-30, 10-10 минутда).

Ун олтинчи баҳор — «МИР», «СПУТНИК» (кундуз ва кечқурун), «КОМСОМОЛ 30 ИЙЛЛИГИ» (кундуз 12, 4 ва кеч 6 да).

Насриддин Ҳўжанда—НАВОИЙ номли (эрталаб соат 10, 11-40 минут, кундуз 1 ярим ва 3-20 минутда).

Тош гул —«КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (кундуз соат 2, кеч 8 ва 10 да).

Тоҳир ва Зуҳра — «СПУТНИК» (эрталаб соат 10, кундуз 12, 2, 4 ва кеч 6 да).

Тилла тиш — «ВОСТОК» (кеч соат 6, 8 ва 10 да).

Кенжа ўғил кўчаси — «КОМСОМОЛ 30 ИЙЛЛИГИ» (эрталаб соат 10 да).

ЕЗГИ БИНОДА:

(кеч соат 8 ярим ва 10-15 минутда)

Бахтсиз ҳаёт — «ВАТАН».

Маскарад — НАВОИЙ номли.

Оила тумори — «ФЕСТИВАЛЬ».

Ун олтинчи баҳор — ТЕЛЬМАН номли, «РАКЕТА».

Жорди — «ПОБЕДА».

Нотаниш аёл мактуби—«УДАРНИК».

Каин XVIII — «ШАРҚ».

Насриддин саргузаштлари — «МЕҲНАТ».

Минг иқёфага кирган киши — «ПАХТАКОР».

Ё ҳаёт, ё ўлим — 1 МАЙ номли.

1963 йил 19 сентябрь кундуз соат 2 да, В. И. Ленин номли Тошкент давлат университети география факультетининг илмий совети мажлисида (Ленинград кўчаси, 19-уй, 111 аудитория) қуйидагилар география фанлари кандидати даражасини олиш учун

ДИССЕРТАЦИЯ ЕҚЛАЙДИЛАР

Р. М. Тшесневская: «Ўрта Осиёда октябрь ойидаги ёғинларнинг узоқ муддатли прогнози методикаси» деган темада.

В. П. Черногоров: «Оҳангарон дарёсининг юқори қисмидаги қор қопламининг аэрофотосъёмкасидан гидрологик мақсадлар учун фойдаланиш» деган темада.

Диссертациялар университет кутубхонасида танишиш мумкин (Куйбишев кўчаси, 10-уй).

Самарқанд-дарбоза кўчаси, Термиз проезд, 73/64 уйда турувчи **Сирожиддин Усмоновнинг** шу уйда турувчи Рамуза Усмонова (Ҳамдамова)дан ажралиш ҳақидаги иши Тошкент шаҳар, Октябрь район халқ судида кўрилади.

Чигатой кўчаси, Ободон проезд, 2-уйда турувчи **Каримжон Аъзамовнинг** Чигатой кўчаси, 45-уйда турувчи Мактуба Ҳидирхўжаевадан ажралиш ҳақидаги иши Тошкент шаҳар, Октябрь район халқ судида кўрилади.

Тошкент шаҳар, Навоий кўчаси, Покровская проезд, 1-уй, 3-квартирада турувчи **Мелиса Турдиева**нинг Наманган шаҳар, Чехов кўчаси, 111-уйда турувчи Ришат Жалиловдан ажралиш ҳақидаги иши Тошкент шаҳар, Октябрь район халқ судида кўрилади.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» («ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА») — Орган Ташкентских промышленного и сельского областных комитетов КП Узбекистана, Ташкентского горкома КП Узбекистана, промышленного, сельского областных и городского Советов депутатов трудящихся.

Бизнинг АДРЕС: Тошкент, «Правда Востока» кўчаси, 26-уй.

РЕДАКЦИЯ ТЕЛЕФОНЛАРИ: редактор — 29004. Редактор ўринбосари — 26232. Масъул секретарь — 34808. Секретариат — 31936. Идеология бўлими — 25885. Саноат ишлаб чиқариши ва партия ишлари бўлими 33786. Қурилиш ва партия ишлари бўлими — 33786. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши ва партия ишлари бўлими — 29040. Совет ишлари, маиший ва шаҳар хўжалиги бўлими — 33786. Фан, мактаб ва олий ўқув юртлари бўлими — 28761. Ахборот ва спорт бўлими — 33786. Хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 34048. Эълонлар бўлими — 28142. Коммутатор — 30249 дан 30258 гача.

«Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока» ва «Ўзбекистони Сурх» бирлашган нашриётининг босмахонаси.

Р. 11117. Индекс 64695. Нашр. № 1674.